



Кечирсак – яхши, кечирмасак-чи?

“Келинимнинг бу қилмишини асло кечирмайман. Бўлди, ўғлим билан ажратаман...”
“Опа-сингил меросни деб икки йилдан бери гаплашмаяпти. Опаси синглисини, синглиси опасини кечирмас экан...”

Бизнинг кечиролмаганларимиз, тўғриси, кечиришни истамайдиганларимиз кўпайиб кетган. Нега бир-биримизни кечирмаймиз?

Афсуски, нафақат бир-бирини кечирмайдиганлар, балки узр сўраса, қабул қилмайдиганлар ҳам оз эмас. Айниқса, аёллар орасида бир-бирига гина-кудурат сақлаб, йиллар давомида кўришса, сўрашмай, бир жойда ўтирмайдиганлар учрайди. Кечиримли бўлиш ҳақида гап бораркан, динимизда бу ҳолатнинг гўзал ечимлари борлигини кўпчилик билмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки бирор мусулмон биродаридан узр сўраса, у эса унинг узрини қабул қилмаса, унинг бўйнига тижорат молларидан закот олувчининг хатосига берилган гуноҳ каби гуноҳ юкланади”**, деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Мудом ўзингизнинг ҳақиқатингизни айтишга ҳаракат қиласиз. “У менга бундай қилган, мана бу сабабга кўра уни кечирмайман”, дейсиз. Бироқ узр сўрасангиз, нималарга эришингиз мумкинлигини билганингизда эди, бу фикрингиздан дарров қайтган бўлардин-

гиз. Аллоҳ ризоси учун эҳсон қиласиз, тақвода бардавом бўласиз-у, даражангизни юксалтирадиган кечиримли бўлишга келганида ғурурингиз йўл қўймайди.

Жобир розияллоҳу анхундан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг менга энг маҳбубингиз, қиёмат кунини менга энг яқин ўтирадиганингиз гўзал хулқли бўлганингиздир. Сизларнинг менга энг ёқмайдиганингиз, қиёмат кунини мендан энг узоқ ўтирадиганингиз сергап (бировга гап бермайдиган), тили узун ва мутафайқиҳингиздир»**, дедилар. **«Эй Аллоҳнинг Расули, сергап ва тили узунни биламиз, «мутафайқиҳлар кимлар?» дейишди. «Мутакаббирлар»**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ќуруримиз ўзимизни ана шундай олий даражотлардан маҳрум қилаётганини ўйлаб кўришимиз керак. Кечиримли бўлишимиз, узилган ришталарни боғлаш йилларни эмас, ҳозирни талаб қилади. Кейин кеч бўлади ва ўзимизни ҳам асло кечиролмай қоламиз.

Қуръони каримда: **“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф қилинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур”** (Фуссилат сураси, 34-оят), дейилади. Умрининг охирига-

ча бир-бири билан хафалашиб, “У мендан биринчи кечирим сўрасин...” деб юрганлар қанча! Ҳасан Басрий ҳазратлари шогирдларига бундай васият қилган: “Афв қилишда иккиланманг, ўзингиздан бошқа ҳаммани кечиринг, лекин ўз нафсингизни асло кечирманг! Зеро, у (гуноҳларга мойил бўлиб, Аллоҳнинг ғазабига қолиб, дўзахга тушишингизга сабабчи бўлиши мумкин) асл душманингиздир. Ҳаммани кечиринг! Зеро, комил инсон бошқаларнинг дўзахда азобланишига сабабчи бўлишга асло рози бўлмайди...”

Ҳар биримиз Аллоҳ ризосига эришиш умидидамиз. Аллоҳ биз бандаларига барча мўминларни кечиришни буюряпти. Шундай экан, фурсатни ғанимат билиб кечирайлик, гуноҳларимиз камайсин, кўп-кўп савобларга эришайлик.

Насиба БОТИРОВА,
Қашқадарё вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси.



Мундарижа

Кечирсак – яхши, кечирмасак-чи?.....	1
Она бағридек Ватан бўлмас.....	3
Аёллар учун ҳам улуш бор... ..	4
Иймоннинг маъноси нима?	5
Баракали қўй соҳибаси.....	6
“Югур ёки ўл!”	
Болалар учун ўта хатарли ўйин	8
Жин ва шайтонлар зараридан сақланиш ..	10
Номуссизлик балоси	12
Сурат ва сийрат орасталиги	13
Темир узук тақиш жоизми?	14
Эй қизим!	16
Ижтимоий тармоқлардаги тартибсизликлар	18
Аёлларга ибрат бўлган Фотиماи Самарқандия.....	20
Тасбеҳ тутган тарбиясиз.....	21
“Бола бўлиб қолсам қанийди”	22
Аёлларга хос масалалар	23
Менинг сиздек отам бор	24
Динимизда қийинчилик йўқ.....	26
Тирит.....	27
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	28
Ўгай она.....	30
Гаджетларнинг болаларга зарарлари	32

Фарзандларингиз ҳаққида доим шундай дуо қилинг:

- Ё Аллоҳ, ўғил-қизларимизга барака бер.
- Уларни ўз ҳифзу-ҳимоянгда асра!
- Сенга тоат-ибодат қилишларига муваффақ айла.
- Бизни яхши кўришларини, бизга яхшилик қилишларини, ота-онасига ғамхўр бўлишларини насиб айла!
- Ака-ука, опа-сингиллари билан бир-бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлсинлар.
- Ҳасад ва кўролмаслик балосидан паноҳингда асра!
- Ё Аллоҳ, фарзандларимизга салоҳият, зеҳну заковат ва фаҳму фаросат бергин.





Она бағридек Ватан бўлмас

Ватан остонадан, йўқ, ундан ҳам олдин – онанинг бағридан бошланади. Дунё юзини кўрган чақалоқнинг илк ватани – меҳрибон онасининг тафтидир.

Буюк Раббимизнинг ҳикмати қарангки, илк ватанимиз бўлган оналаримиз вақти келганда қўлларига қурол олиб, юрт озодлиги учун курашганлар. Томир она тарихи тилдан-тилга ўтиб, аёл кишининг Ватанини ҳимоя қилиш учун кўрсатган энг буюк жасорати дея эътироф этилади. Тарихчи Ибн Арабшоҳ бундай ёзади: “Темур лашкарлари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар душман билан тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Найза санчиш, қилич ўйнатиш ва камон отишда эркаклардан ҳам моҳир эдилар”.

XX аср бошида Кармана беклигида туғилган “Нодира қиз” номи билан танилган кўрбоши қизил армия босқинига қарши жангларда қатнашган. Фарғона водийсидан Шакархон кўрбоши уста Холиқбой қизи эса 500 йигитдан иборат ҳарбий бўлинма-

га раҳбарлик қилиб, душман билан курашган.

Дарҳақиқат, ёшларимиз она-Ватанимизнинг посбонларидир. Биз навқирон авлод вакиллари баркамол инсонлар қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий ғурурни мунтазам шакллантириб борсак, Ватанимиз қудратли давлатга айланади. Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш, ватанпарварлик, содиқлик, фидойилик туйғуларини ҳис этиб яшаётган ёшларимиз юртимизнинг порлоқ келажагини таъминлайди, иншоаллоҳ. Ана шундай замондошларимиздан бири Мудофаа вазирлиги катта зобити Покиза Валихонова Ватан ҳимоясида аёлларимизнинг иштироки ҳақида бундай дейди:

– Ҳарбий йигитларимиз билан бир сафда ҳарбий аёлларимиз ҳам хизмат қилиб келмоқда. Улар тиббиёт йўналишида, алоқа соҳасида, шунингдек, спортда ҳам бутун жаҳон ареналарида ютуқларга эришаётир. Айниқса, хотин-қизларимизнинг мерганлигини алоҳи-

да айтиб ўтишимиз лозим. Бугун бу соҳада фаолият юритганимга ўн йилдан ошди. Маҳаллалардаги ўсмир қизларимизни тўғри йўлга бошлаш мақсадида ҳарбий аёллар бириктирилган. Ўсмир қизлар билан суҳбатларда улардаги ватанпарварлик руҳини юксалтиришга ҳаракат қиламиз. Аёлнинг ҳарбий бўлиши осон эмас, бунда унинг оиласи қўллаб-қувватлаши жуда муҳимдир. Менинг муваффақиятларимда ҳам оиламнинг ўрни катта.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Учта кўз дўзах ўтини кўрмайди: Аллоҳ йўлида кечқурун навбатчилик қилган кўз, Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган кўз ва Аллоҳ ҳаром қилган жойлардан кўзини тийган кўз”**, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Шундай экан, кечаю кундуз сергак турган Ватанимиз посбонларини, уларнинг сафида хизмат вазифасини ўтаётган аёл-қизларимизни қутлуғ байрами билан табриқлаймиз. Буюк Раббимиздан она-Ватанимизнинг тинчлиги барқарор бўлишини сўраб қоламиз.

Орзигул НЕЪМАТОВА,
Мирзо Улуғбек тумани
бош отинойиси



“Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир” (Нисо сураси, 7-оят).

Ушбу ояти карима – валлоҳу аълам – жоҳилият аҳли аёллар ва ёш болаларга мерос бермаганлари ва улар меросни жанг қиладиган ва ўлжани кўлга киритадиган эркакларга берганлари сабабли нозил бўлганини эҳтимол қилади. Ояти карима эркак ва аёлларга мерос берилиши борасида нозил бўлган. Ривоят қилинишича, ояти карима Авс ибн Собит Ансорий иши борасида туширилган. У вафот этиб, қизлари ва аёли қолган эди. Авснинг амакисининг икки ўғли – улар васий эдилар – келишиб, унинг бор молини олишиб, хотини ва қизларига бирор нарса беришмади. Авс ибн Собитнинг аёли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, шикоят қилди ва воқеани айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **“Уйингга қайт, Аллоҳ таоло бу борада нима ҳукм қилишини кутайин”**, дедилар. Аёл кетди. Сўнгра Аллоҳ таолонинг: **“Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кет-**

ган (мерос)дан улуш бордир” ояти нозил бўлди¹.

Баъзилар айтишича, ушбу ояти карима Саъд (ибн Робеъ) розияллоҳу анҳунинг аёли тўғрисида нозил бўлган. Саъд Уҳуд ғазотида шаҳид бўлиб, аёли ва икки қизни қолдирди. Акаси Саъднинг молини эгаллаб олиб, унинг аёлига ҳам, қизларига ҳам бирор нарса бермади. Аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб воқеани

Аёллар учун ҳам улуш бор...



айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **“Аллоҳ таоло менга сизлар борангизда бирор нарса нозил қилмади”**, дедилар. Сўнгра ояти карима нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қизнинг амакисидан молнинг учдан иккисини олиб қизларга ва саккиздан бирини аёлга бердилар. Қолган қисмини амакига қолдирдилар².

Ушбу ояти карима нима тўғрисида нозил бўлганини Аллоҳ билувчидир. Юқорида зикр қилинган хабарда уч ва ундан

кўп қизларга молнинг учдан икки қисми берилганидек, иккита қизга ҳам мана шу миқдор берилишига далил бор. Баъзилар: “Иккита қизга (молнинг) ярми берилади. Чунки Аллоҳ таоло учдан иккени иккита қизга белгилаган”, деганлари тўғри эмас.

Сўнгра ояти карима яна икки қарашни эҳтимол қилади. Бир эҳтимолга кўра, бу ўринда, хоссатан, фарзандлар ирода қилинган. Барча фарзандлар, яъни қизларнинг фарзандлари ҳам, ўғилларнинг фарзандлари ҳам киради. Чунки улар унинг болалари ҳисобланади. Иккинчи эҳтимолга кўра, ундан эркаклар ва аёллар ирода қилинган. Бунинг остига завил арҳам қариндошлар киради. Бунга қизларнинг қизлари кирмагач, ҳолбуки, улар ҳам фарзандлар – бу, хоссатан, фарзандлар эмас, балки эркаклар ва аёллар ирода қилинганини билдиради.

Ушбу ояти каримада меросхўрга васият қилиш вожиблиги насх бўлганига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло: **“Эркаклар учун улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) улуш бордир”**, деб оятнинг охирида **“фарз қилинган”**, деган. Яъни, оз ё кўп миқдорда бўлсин, вожиб молда маълум улуш тайин қилинган.

Имом Мотуридийнинг
«Таъвилотул Қуръон»
асаридан
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ
таржимаси

¹ Ибн Ҳажар. Ал-Исоба. 1/144. Суютий. Дуррул мансур. 2/438.

² Тафсири Табарий. 4/262.

Доктор Муҳаммад Ротиб Нобулсий

Иймоннинг маъноси нима?

Қадрли биродарлар, фарзанд тарбиясида иймон ва хулқнинг уйғунлиги ғоят муҳим. Ислом бандани ибодатда бардавом бўлиши баробарида Қуръон ўқишга ва рўза тутишга тарғиб қилади ҳамда хулқини эътибордан четда қолдирмайди.

Ислом дини чиройли хулқ билан янада тезроқ ёйилган. Бунга Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларидан мисоллар бисёр. Хусусан, Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: **“Инсонларнинг Исломи энг яхшиси хулқи энг яхши бўлгандир”**, дейилади (Имом Аҳмад ривояти).

“Аллоҳ таолога энг севимли банда ким?” деб савол берилганида Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Хулқи энг яхши бўлгандир”** (Имом Табароний ривояти), деб жавоб берганлар.

Демак, мусулмон кишининг чиройли хулқи туфайли бошқалар ҳам Аллоҳга яқинроқ бўладилар. Қадрли биродарлар, ҳурматли отаоналар, фарзандларни динда мустаҳкам қилиш, албатта, муҳим. Рўза, намоз, ибодатларга чорлаш жуда зарур. Аммо Исломнинг кенгроқ ёйилишига, ҳақ диннинг бошқа дин вакиллари орасига тезроқ кириб бори-

шига сабаб бўладигани бу – уларнинг хулқи чиройли бўлишидир.

Туркиялик бир дўстимнинг ҳикоясини айтиб бераман. Унинг уйига юнонистонлик бир киши меҳмон бўлиб келади. Уни жуда яхши кутиб олишади, ғайридинни чиройли меҳмон қилишади. Зиёфат сўнгида унинг шу хонада тунаб қолиши мумкинлигини айтишади. Юнонистонлик: “Сизларга ҳам хона борми?” деб сўрайди. “Ҳа”, дейишади. Лекин кечаси бир уйғониб қараса, уй эгалари ҳовлида ухляшяпти. Чунки уларда биттагина хона бўлган. Ғайридин эрталаб: “Нима учун бундай қилдингиз?” деб сўраганида, меҳмонни иззат қилиш динимизда буюрилганини айтишади. Уларнинг бу гўзал хулқини кўриб, юнон ўша ерда Исломни қабул қилади.

Инсон хулқи қачон яхши бўлади, мукаммаллашади? Қачонки унинг иймони мустаҳкам бўлса. Ҳа, хулқ ва иймоннинг юксалиши бир-бирига боғлиқ. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таоло: **“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз”** (Қалам сураси, 4-оят), дейишидан мурод мусулмонлар учун хулқнинг қанчалик муҳимлигини таъкидлашдир.



Фарзандларга чиройли хулқни болалигидан сингдириб бориш керак. Чунки иймон хулқ тарбияси орқали янада гўзаллашади. Отаоналар, муаллимлар болаларни ҳақиқий исломий одоб билан хулқлантиришга ҳаракат қилсин. “Хулқнинг маъноси бу – иймондир. Иймоннинг маъноси яхши хулқдир”, дейди уламолар.

Инсоний сифатларнинг энг афзали хулқларнинг гўзаллиги биландир. Болалар иймон билан бирга хулқларни ҳам мукаммал ўзлаштириши керак. Чунки ахлоқсиз фарзандни масжидга олиб борасизми ёки бошқа бир жойгами, албатта, у сизни хижолатга қўяди.

Хуллас, иймон бу – чиройли хулқдир. Иккиси бир-бирини тўлдиради.

Орифахон ЮНУСХЎЖА
таржимаси

Баракали қўй соҳибаси

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларида хузоъалик Умму Маъбад розияллоҳу анҳоникда меҳмон бўлдилар. Шу туфайли у машҳур аёллардан бирига айланди. Унинг асл исми Отика бинти Холид ибн Минқаз эди. У хузоъалик Хунайс ибн Холид Каъбийнинг синглиси бўлган. Бу улугъ саҳоба Макка фатҳида шаҳид бўлган.

Умму Маъбад қиссаси бундай: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат сафарида хузоъалик Умму Маъбад чодир олди-дан ўтдилар. Чодир олдида тиззасини кучиб ўтирган аёл ҳар бир йўловчини едириб-ичириб, йўлига кузатиб қўйишни одат қилганди. Икки буюк муҳожир унинг олди-дан ўтаётиб: “Бирор егулигинг борми?” деб сўрадилар. Аёл: “Аллоҳга қасамки, менда бирон егулик бўлганда сизларни меҳмон қилмасмидим?! Қўйлар бу йил

курғоқчилик сабаб сут бермай қўйди”, деди.

Шунда у зот чеккароқда турган озғин совлиқни кўриб: “Эй Умму Маъбад, бу қўйга нима бўлган?” деб сўрадилар. У: “Сурувга ярамай қолган”, деди. У зот: “Сути борми?” дедилар. Аёл: “Қайдан ҳам сути бўлсин?!” деди. Сўнг у зот: “Уни соғиб кўришга рухсат берасанми?” дедилар. Аёл: “Сути бор деб ўйласангиз, майли, соғиб кўринг”, деди. У зот қўллари билан совлиқнинг елинини силаб, “Бисмиллаҳ”ни айтиб дуо қилган эдилар, ориқ қўйнинг оёқлари керилиб, елини сутга тўлди. У зот идишга бир қавмни тўйдирадиган миқдорда сут соғиб олдилар. Ҳатто идишдаги сутнинг тепаси кўпикланди. Бу сутдан аёлга ҳам узатилганда ичиб қонди ва бошқаларга ҳам узатдилар. Улар ҳам тўйгунча сут ичишди. Сўнг у зот ўзлари ичдилар. Қўйни иккинчи марта соғишган эди, идиш яна лиммо-лим бўлди.

Сутни аёлга бериб, йўлда давом этдилар.

Орадан кўп ўтмай, эри чиллашир эчкиларини ҳайдаб келди. Улар қоқсуяк эди. Эри сутни кўриб ҳайрон бўлди ва: “Буни қаердан олдинг, қўйлар узоқ яйловда, уйда соғин қўй бўлмаса?” деди. Аёл: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, баракали бир одам уйимиз олди-дан ўтиб қолди”, деб у зотни таърифлади. Эри: “Аллоҳга қасамки, у қурайшликлар излаб юрган одам бўлса керак. Менга тузукроқ тасвишлаб бер-чи, эй Умму Маъбад”, деди. Умму Маъбад: “У зот ранг-рўйи нурли, хилқати гўзал, қорни катта эмас, боши кичик эмас, яъни қадди-қомати гўзал, келишган, кўзлари тим қора, киприклари узун, овози ширали, бўйни йўғон, кўзларининг оқи катта, оппоқ, қорачиғи сурма қўйгандек, қоши узун ингичка, туташ, сочлари тим қора, жим турганда виқорли кўринади, гапирганида сўзлари чиройли ва дона-дона, узоқдан қараганда одамларнинг чиройлиси, яқиндан кўрганда гўзал ва ҳаловатлисидир, гаплари тотли, лўнда-лўнда, на сергап, на камгап, сўзласа, сўзлари гўё тизилган маржон каби дона-дона бўлиб думалаб тушаётганга ўхшайди, ўрта бўйли, на унда калталик ва на дарозлик бор...”





Шунда Абу Маъбад: “Аллоҳга қасамки, бу қурайшликлар излаб юрган киши, албатта, уни топишим керак”, деди».

Умму Маъбаднинг қалбида иймон насимлари эса бошлаган дамлар бу – Расулуллоҳни кўрган илклаҳза эди. Бунинг далили шуки, Умму Маъбад олдидан қурайшликлар ўтаётиб, у зот ҳақида сўрашганида (ҳолбуки, улар изларидан етай деб қолишган эди) у зотга хавф туйганидан рўйхушлик бермай: “Сизлар мендан шундай нарса ҳақида сўраяпсизки, ўтган йилларимда ҳам у тўғрида бирон нарса эшитмаганман”, деб терс жавоб берди.

Умму Маъбад Ҳабибимиздан ўзи айнан гувоҳи бўлган баракотни кўриб лолу ҳайрон қолганди. Натижада тез орада эри билан Мадинага келиб, у зотга байъат қилди. Бир куни у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қўйни ҳадя қилиб жўнатди. Бироқ у зот қўйни олишдан бош тортдилар. Бу нарса аёлга оғир ботди, шунда одамлар бунга сабаб унда сут борлигини кўрганлари эканини айтишди. Сўнг у Расулуллоҳга жазъа (икки ёшли қўй ё беш ёшли туя) жўнатди, у зот бу ҳадяни қабул қилдилар.

Умму Маъбад умрининг тунларини ибодатда ва кундузларини рўздорликда яшаб ўтди. Унинг қалби саодат ва сурурга тўла дунё жанна-тида яшарди. У Расулуллоҳ алайҳиссалом муборак ҳижратлари асносида чодирига тўхтаб ўтган кунни бот-бот эслаб севиниб кетарди.

*Наманган тумани «Мулла Сайфиддин» жоме масжиди
имом-хатиби*

Ҳожиакбар ЭРГАШЕВ тайёрлади.

АҲЛЛАРИ ХИЗМАТИДА БЎЛАРДИЛАР

Бир куни Ойша розияллоҳу анҳодан сўрашди:

– Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйда нима ишлар қилар эдилар?

Ойша розияллоҳу анҳо шундай дедилар:

– Аҳллари хизматида бўлардилар. Намоз вақти бўлса, намозга чиқар эдилар!

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ковушларини ўзлари ямар эдилар, кийимларига ўзлари ямоқ солар эдилар, қўйларни соғар эдилар, уй ишларида аёлларга ёрдам берар эдилар.

Биз эса уйда ҳокимдек ўтириб оламиз. Ҳатто бир стакан сувни ҳам ўзимиз олиб ичишга ярамайдигандек...

Демак, аёлингиз билан озроқ муддат ошхонада бўлсангиз, эркаклигингиз камайиб қолмайди.

Идишларни ювишда унга ёрдам бериб юборсангиз, айб иш қилган бўлмайсиз.

Аёлингиз бошқа юмушлар билан банд бўлиб турганида дордан ювилган кийимларни йиғиштириб келсангиз, қиёмат қоим бўлиб қолмайди.

Кийимингизни ўзингиз дазмоллашингизда ёки уларни ўзингиз тахлаб жавонга қўйишингизда қанақа хорлик бор?!

Дунё ўзи шундоқ ҳам шафқатсизликка тўла. Озроқ юқоридан пастга тушайлик, ҳеч нарса қилмайди!

ҚАЙНОНА КИМ?

Қайнона:

– севган ёрингизни дунёга келтирган;

– йиллаб тўй қиламан, келин оламан деб ўзини ўтга-чўққа уриб пул тўплаган, сарпо йиққан;

– сизни келин қилиб олгунча хаёлида мингта қизни жамлаб, мингтанинг ичидан сизни фарзандига лойиқ кўрган;

– эрингиз учун жонини беришга тайёр бўлган;

– сизни қанча койиса ҳам, фарзандларингизни жонидан ортиқ яхши кўрадиган;

– ҳаёт сабоғини бераётган, эртага сизни энг намунали аёл, меҳрибон она бўлишингизни чин дилдан хоҳлаётган Аёл.

Энди бир ўйлаб кўринг... Сизга ҳамма нарса-сини бағишлаган, шунча кўп яхшилик қилаётган аёлга қандай муносабатда бўлсангиз тўғри қилган бўласиз?

“Югур ёки ўл!”

Болалар учун ўта хатарли ўйин

Оммавий ахборот воситаларида 2018 йил Ярославлда, 2021 йил Доғистонда, 2023 йил Қозоғистонда ҳаракатланаётган автомобиль олдига югуриб чиққан болалар ҳақида хабар тарқалди. Бунинг сабабчиси эса “Югур ёки ўл” интернет ўйини экан.

“Югур ёки ўл” ўйинида бош қаҳрамон хавфли шартларни бажаради. Ҳамма шартлар ҳаракатли бўлиб, тобора мураккаблашиб бораверади. Агар бош қаҳрамон мағлуб бўлса, ўлади ва ўйин тугайди. Лекин ўйин администратори томонидан офлайн ўйинчига ҳам онлайн қаҳрамоннинг ҳаракатларига тақлид қилиш вазифаси берилади. Унга кўра, ўйинчи тез ҳаракатланиб келаётган машинанинг йўлини кесиб ўтиб олиши ва уни тасвирга олиб, ижтимоий тармоққа юбориши керак. Мукофот эса, “машҳур”лик ва мақтов.

Воқеа содир бўлганда видеокамераларга тушиб қолган тасвирларнинг барчасида юриб келаётган машинага бир неча қадам қолганида ўйинчи болалар тез ўтиш-

га, бошқалар уни тасвирга олишга ҳаракат қилган. Видеоларда болаларнинг даҳшатли автоҳалокатга учраган тасвирлари ҳам бор.

Яқинда қўшни Қозоғистон Республикасида шу ўйинда қатнашган мактаб ўқувчиси машина уриб кетди. Ички ишлар вазирлиги оммани хавфли ўйиндан огоҳлантириб, ота-оналарни болаларнинг телефонини назорат қилишга ва уларга эътиборли бўлишга чақирди. Шунингдек, ушбу ўйин қайд этилган ҳудудларда ҳайдовчилар огоҳ бўлишлари талаб қилинмоқда. Улардан йўлнинг четида турган болаларни кўрса, тезликни оширмаслик ва эҳтиёт чораларини кўриш сўралган.

Бу каби ўйинлар ва уларнинг болалар руҳиятига таъсири ҳақида руҳиятшунос Розалия Габдулҳакова бундай дейди:

– Бир вақтлар “Кўк кит” деган ўйин ёшлар ва ўсмирлар орасида оммалашганди. Энди эса, болаларни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган “Югур ёки ўл!” ўйини ҳақида хабар тарқалмоқда.

Ҳали дунёни англаб улгурмаган болани авраш осон. Бу каби ўйин эгалари учун болалар ва ўсмирлар – ўлжа. Шунингдек, кино ва мультфильм қаҳрамонлари ҳам бунга сабаб бўлади. Шунинг учун “Чопиб ташласа ҳам, ўлмади-я”, деган болага бепарво бўлманг, “Бу мультфильм-да”, деб қутулманг, тушунтиринг. Катталардан фарқли ўлароқ, болаларда уддалай оламан, деган ишонч юқори бўлади ва ўзини намоён қилгиси келади. Шунингдек, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ўзига нисбатан ишончи кам бўлган болалар бу каби ўйинлар орқали тенгдошлари орасида “мен”ига эга бўлишни иштайди. Афсуски, бугун ана шундай кайфиятдаги болалар кўп. Ота-оналарининг босими, тенгдошлари орасида ўзини ожиз ҳис қилиши ва бошқа шахсларнинг таъйиқлари уларнинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Шу сабаб болаларни назорат қилишнинг ўзи етарли эмас, уларга муносабатни ҳам ўзгартириш лозим. Болангиз билан тенгдоши каби гапла-

шинг, унинг ғазабига ғазаб билан жавоб берманг, тинглашни ва қўллаб-қувватлашни ўргансангиз, қотил ўйинлар сабаб болангиздан айрилмайсиз.

Ота-онанинг ўзи тарбияли бўлиши керак. Зеро, “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Бола тарбияни оилада олади. Шундай экан, ҳар қандай муваффақият ёки камчилигига асосий сабабчи ота-оналар бўлиб қолади. Болани алдаш, уни ўз йўриғига юргизиш осон. Биз билмаган ҳолда уни қўлдан чиқаришимиз мумкин. Масалан, телефондан бош кўтармаган бола ота-онаси билан вақтини ўтказмайди. Ўз юмуши билан банд катталар “Болани мактаб тарбияласин” ёки “Ўзи катта бўлаверадиди”, дейишади. Савол берган фарзанд “Отангга бор, онангга бор...” орасида овора. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларни “аброр” деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳақи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳақи бор»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти). Кўпчилик ота-оналар боламни яхши едириб, кийинтирсам, ўқитсам, асосий вазифам – шу, деб ўйлашади. Лекин боласи улғайгач, оқибатсизликда айблайди.

Вақтида берилмаган эътибор касрини нафақат келажакда, балки бу гуноҳ бемаъни ўйинлар мисолида ҳам кўряпмиз. Болани телефондан чеклаёлмаймиз, лекин уни назорат қилишимиз мумкин. У кўраётган нарсалар ибратли, тарбияси ва таълимига ижобий таъсир қиладиган бўлиши керак. Яна бир ҳадисда: **“Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиролмайди”**, дейилади (Имом Термизий ривояти). Биз қолдираётган мерос чиройлимикин? Агар чиройли бўлса, иншоаллоҳ, ўзининг чиройли натижасини беради.

Асрорхон ҲАБИБУЛЛАЕВ



Асрорхон домла Ҳабибуллаев 1980 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. 2001–2004 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти тамомлаган. 2010 йилдан бери Шўрчи тумани “Ҳайдарқул ҳожи бобо” жоме масжиди имом-хатиби, 2013 йилдан туман бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Соғлиқ, хотиржамлик ва яхши хулқ сўраш

Ўқилиши: **«Аллоҳумма инний асъалука-сихҳата вал ʼиффата вал аманата ва ҳуснал хулуқи вар-ризо бил қодар»**.

Таржимаси: «Аллоҳим! Сендан саломатлик, ифбат, омонатдорлик, гўзал хулқ ва тақдирга рози бўлишни сўрайман».

Қаттиқ совуқ зараридан сақланиш

Ўқилиши: **«Аллоҳумма ажирний мин замҳарийри жаҳаннама»**.

Маъноси: «Аллоҳим, мени жаҳаннамнинг қаттиқ совуғидан асра».

Янги ойни кўрганда...

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам янги ҳилолни кўрсалар, бундай дуо қилар эдилар:

Ўқилиши: **«Аллоҳумма аҳиллаҳу алайна бил-юмни вал-иймани, вас-салаамати вал-Ислами, Роббий ва Роббукаллоҳ»**.


Маъноси: «Аллоҳим! Уни бизга хайр-барака, иймон, саломатлик ва Исломи аниқ қилгин. Роббим ва Роббинг Аллоҳдир».

Нажот сўраш дуоси

“Лаа илаҳа илла Анта, Субҳанака, инний кунту минаддзолимин”.

Юнус алайҳиссаломни Балиқнинг қорнидан саломат чиқарган Зот бу дунё зулматларидан ҳам нажот беради.

“Бас, Биз уни хаста ҳолида қурукликка отдик ва унинг устида (соя ташлаб туриши учун) қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик” (Соффат, 146).



Жин ва шайтонлар зараридан сақланиш

Жобир розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: **“Қоронғи тушиши билан болаларингизни уйга (чақириб) олинг. Чунки бу маҳалда шайтонлар тарқалади. Хуфтондан бирон соат ўтганидан кейин уларни ўз ҳолига қўйинг. Эшикларингизни беркитинглар ва Аллоҳ исмини зикр қилинглар. Албатта, шайтон ёпиқ эшикларни очолмайди. Чироқларингизни ўчиринг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг. Мешларингизнинг оғзини боғланг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг. Идишларингизнинг устини ёпинг ва Аллоҳни зикр қилинг. Ҳеч нарса топа олмасангиз, идиш устига бир чўпни қўндаланг қўйиб бўлса ҳам, ёпинг, шунингдек, чироқларингизни ўчиринг”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят).

Жин ва шайтонлар одамларга аралашиб яшайди. Уйда тунайди, таомидан ейди, фарзандлари, бойликларига

шерик бўлади. Инсон бу ҳолатдан ўзича чиқиб кетолмайди. Боиси, жинлар кўзимизга кўринмайди. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом дунё ва охираат яхшиликларини жамловчи, шайтон зараридан сақловчи, саломатлик гарови бўлган бир неча одобларга буюрадилар. У зот алайҳиссалом кўрсатмаларига амал қилган киши шайтон ва жинларни ўзидан йироқ тутати, зараридан омонда бўлади.

Ҳадисда кундалик ҳаётимизда доимо учраб турадиган ва бўйсунганимиз шарт бўлган ишлар ҳақида сўз бормоқда. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам биз умматлар назарида арзимас бўлиб кўринса ҳам, аслида ўта муҳим ишларни ўргатмоқдалар. Улардан бири: **“Қоронғи тушиши билан болаларингизни уйга (чақириб) олинг”**. Сабоби, шом – жин ва шайтонлар тарқаладиган вақт. Айтиш-

ларича, шайтон зулматни яхши кўради ва ундан куч олади, нур ва ёруғликни эса ёмон кўради. Улар фарзандларимизга зарар етказиши мумкин. Чунки болалар ўйинга берилиб, қоронғи туш-

ганини ҳам, узоқроққа кетишганини ҳам сезмай қолишади. Шом вақтида катталар доимо хушёр туриши, болаларни уйда, доимий машғулот билан банд этиши ўта муҳим. Ибн Жавзий раҳимахуллоҳ айтади: “Кўпинча болалар таҳоратли бўлишмайди, Аллоҳ таолони зикр этишмайди. Шайтонлар эса шомда, ер юзига тарқалаётган вақтда алоқа қилиш мумкин бўлган барча нарса билан боғланишга уринади. Болаларга васваса қилиши турган гап”.

“Эшикларингизни беркитинг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг. Албатта, шайтон ёпиқ эшикларни очолмайди”. Уй эшигини доимо ёпиб юриш, бу одатни оила аъзоларида ҳам шакллантириш керак. Бу иши билан мўмин, аввало, Аллоҳ ва расули амрига бўйсунган, қолаверса, турли нохуш ҳодисалардан сақланган бўлади. Мусулмон

ҳар бир нарсада Аллоҳ зикри-ни унутмаслиги лозим. Зеро, Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: **«Киши уйига кирганда ҳамда таоми устида Аллоҳ таолони зикр этса, шайтон (шерикларига): “Сизга тунайдиган жой ҳам, таом ҳам йўқ”, деб айтади...»** (Имом Бухорий ривояти).

“Чироқларингизни ўчиринг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг”, деган буйруқ чироқни ўчирмай ётишда ҳам зарарлар борлигини англатади. Улардан бири уйга ўт кетиш эҳтимоли мавжудлиги. Ўтган асрнинг ўрталаригача ҳам одамлар пиликчи чироқдан фойдаланган. Сичқон унга яқинлашиши, туртиб юбориши мумкин бўлган. Шу сабабдан уйда ёнғин чиқиш ҳоллари ҳам кузатилган. Тунда, зарурат бўлмаса-да, чироқни ўчирмай ётиш бошқа тарафдан ҳам зарар. Масалан, оила иқтисодига зарар етади. Яна кечаси чироқ ёқиб ухлайдиганлар узоқни кўра олмаслик касаллигига йўлиқиши тиббиёт томонидан исботланган.

“Идишларингизни устини ёпинг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг”. Озиқ-овқат, ичимлик идишларининг устини ёпиб юриш керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ишни алоҳида таъкидлаб айтмоқдалар. Шунда егуликларимизни турли ҳаром, зарарли ва шубҳали нарсалар тушишидан сақланган бўламиз.

“Мешларингизни боғланг ва Аллоҳ исмини зикр қилинг”. Бу ерда егулик сақланадиган меш, қоп, саноч сингари оғзи ип билан боғланадиган нарсалар назарда тутилмоқда. Эътибор берсак, ушбу ишларни Аллоҳ исмини зикр қилган ҳолда амалга ошириш кераклиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Чунки шундай қилинмаса, қанчалик ўраб беркитган билан барибир шайтон таом ва ичимликлардан ўз насибасини олади. Доимо Аллоҳнинг исмини айтиб иш қилиш керак, ана ўшандагина Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганларидек: **«Бас, шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишлар устини очолмас»** (Имом Бухорий ривояти).

“Агар бирингиз ҳеч нарса топа олмаса, идишни устига бир чўпни кўндаланг қўйиб бўлса ҳам, Аллоҳ исмини зикр қилсин”. Уламоларимиз шарҳларда: “Чўп сабабчи ҳолос, Аллоҳ исми эса, сақлашни юзага чиқаради”, дейишган.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Идишлар устини ёпинг, мешкоблар оғзини боғланг. Чунки йилда бир кеча бор, унда вабо тушади. Ёпқичи йўқ идиш, боғичи йўқ мешкоб олдидан ўтганида ўша вабодан, албатта, уларга тушади”**, дея огоҳлантирганлар (Имом Муслим ривояти). Яъни йил ўн икки ой да-



вомида егулик сақланадиган идишлар беркитилган ҳолда бўлиши таъкидланмоқда. Ҳозирги замон тиббиёт илми ҳам узоқ муддат сақланган озиқ-овқатларга тушган микроблар орқали турли касалликлар, хусусан, вабо тарқалиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг шариати билан бирга, биз умматларнинг барча масалаларига жавоб, муаммоларига ечим, юзага келиши мумкин бўлган зарарлар олдини олувчи ва манфатларни жалб қилувчи улкан илм манбаини тақдим этдилар. Агар ҳар бир мусулмон нурли шариатимизнинг буйруқларига бўйсунса, қайтариқларидан қайтса, дунё ва охиратда нажот топади. Чунки Аллоҳ таоло бандаларини нимадан қайтарган бўлса, ўша нарсада унинг учун зарар, нимага буюрган бўлса, унда яхшилик ва фойда бор.

“Умдатул қорий шарҳу саҳиҳил Бухорий” асари асосида
“Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар
ўрта махсус ислом билим
юрти мударрисси
Сурайё ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.



Номуссизлик балоси

“Қишнинг совуғида елим тўрвага ўралган чақалоқ”, “Ҳожатхонага ташлаб кетилган гўдак”, “Чала туғилган боланинг онаси ким?” – бу сарлавҳаларни ўқиган одам даҳшатга тушади. Қанчадан-қанча оилалар тирноққа зор, қайсидир кўрнамаклар эса, ҳали дунёга келмаган гўдагининг жонига қасд қилиш пайида. Юраги остида улғаяётган боласи кимларгадир қувонч, шараф келтирса, айримлар учун муаммо бўлиши мумкинлигини биласизми?

Бугун қизларимизнинг иффати масаласи ҳар доимгидан ҳам долзарб. Айримлари ўз ихтиёри билан беномус бўлган эса, бошқалари зўравонлик қурбонига айланишган. Бу масалани атрофлича ўрганиш, сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни асло кечиктириб бўлмайди. Қизларимизнинг ота-она тарбиясидан, танбеҳидан йироқда экани, либосларидаги очиқ-сочиқликлар, эркакларнинг тизгинсиз ҳирсини кўзғатадиган қиёфалари кўпинча айна шу ҳолатларнинг сабабчиси бўлиб қолмоқда. Сипо кийинган, онаси билан ҳамфикр, ҳаёли қизлар орасида бундай ҳолатлар деярли учрамайди.

Кўп қаватли уйларнинг ахлатхонасидан топилган 6 ой-

лик ўлик чақалоқ воқеаси туманда шов-шувга сабаб бўлди. Боладан қутулиш мақсадида сунъий равишда туғилган гўдак жасади тиббий экспертизадан ўтказилди. Яқин атрофда яшовчи қиз ва аёллар тиббий кўрикдан ўтказилганда янги қурилган намунавий уйлардан бирида яшовчи 20 ёшли қизнинг турли баҳоналар билан келмаётгани тиббиёт ходимларини сергак торттирди. Бунинг бежиз эмаслиги суриштирув жараёнида янада аниқлашди...

“Боладан қутулиш учун дори ичиб туширдим. Ота-онамдан кўрққанимдан шундай қилдим. Мен у йигитга ишонардим, совчи юбормоқчи эди. Бироқ ҳомиладорлигимни эшитиб, боладан қутуласан деб пул берди. Ота-онаси бошқа бой оилага совчиликка боряпти экан. Бошқа чора тополмадим”.

Коллежни тамомлаган Зилола янги намунавий уйларда укаси билан ёлғиз яшарди. Қариндошлари бир-бир йўқлаб келар, ота-онаси биргаликда ишлаб пул топамиз деб хорижга кетишганди. Қизи ота-онасига совчилар келишини айтганида улар 2–3 ойда қайтадиган бўлишади. Ўша йигитга турмушга чиқишига ишониб, унга ихтиёрини топшириб қўяди. Натижада “юкли” бўлиб қолади.

Онаси фарзандларининг тарбияси билан шуғуллани-

ши керак бўлган бир вақтда мол-дунё орзусида ўзга юртларда юрибди! Ана энди ўша топган пуллари қизининг шаънини тиклай олармикан? Албатта, йўқ.

Аллоҳ таоло Каломида: **“Зинога яқинлашманглар! Чунки бу бузуқликдир ва энг ёмон йўлдир”** (Исро сураси, 32-оят), дея биз бандаларини огоҳлантирган.

Зинокорнинг ҳар икки дунёда ҳам қаттиқ азобга учраши ҳадисларда ҳам айтилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Агар киши зино қилса, иймон ундан чиқади ва унга соябон каби бўлади. Агар (зинодан) бош тортса, иймон унга қайтади”** (Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Ҳоким ривояти).

“Қизимни оқ қанддек қилиб сизларга беряпман”, дея оналаримиз келин бўлиб кетаётган боласини кўзда ёш билан кузатади. Оқил оталарнинг ҳамиша оналарга қизининг ҳар бир қадамидан огоҳ бўл дея тергашлари бежиз эмас. Сабаби, номуссиз қиз отанинг, ака-укаларининг қаддини букиб қўяди. Оқ қандга тушган доғ ундан кетмайди, эритиб битиради. Шундай экан, қиз фарзандлари тарбиясида хушёр туриш ҳар бир ота-онага фарз бўлган бурчдир, ор-номус масаласидир.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шахри



Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ота-онанинг фарзанд ва фарзанднинг ота-она олдидagi бурчлари таърифига бағишланган қуйидаги мисралари барча замонлар учун бирдек ибратлидир:

*Фарзанд ато қуллигин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.*

Ёки:

*Кишилиқ будурким унутсанг ани,
Чу тарқинг қилур, тарқ қилсанг ани.*

Кейинги мисрада шоир авлодларни огоҳлантирмоқдаки, агар сиз кишилиқ оламининг удуми бўлмиш одамгарчиликни унутсангиз, келажак авлод ҳам сизни унутади.

Сурат ва сийрат орастилиги

Навоий маънавий гўзалликни инсоний гўзаллик билан уйғун кўрган. Яъни, маънавий етук инсон жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу – комил гўзаллик ҳисобланади. У зот илм билан ҳунар ўзаро боғлиқ бўлиши тарафдори бўлган: илмли одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик – шу. Инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам илмда, ҳам ҳунарда етук бўлиши улуғ фазилат эканини шоир Бадиуззамон Мирзога берган таърифида ҳам таъкидлайди: “...ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур” (Алишер Навоий. *Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. Тошкент, 1997. 169-бет*).

Маънавий пок кишининг чеҳраси очиқ, кўнгли тоза, истараси иссиқ бўлади. Кишининг юзи, кўзи унинг кўнглига ойина. Кўнглида нима бўлса юзида, кўзида акс этади. Навоий инсонлардаги ахлоқий нуқсонлар ва кишиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларидаги камчиликларни йўқотишга катта эътибор берган.

Шарифа АБДУРАҲМОНОВА

Равза боғи висоли...

Алишер Навоий ўғитларидан

Оналар оёғи остидадур
Равзайи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

Элга шараф ўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Ямон-яхшини Тенгридин англағил,
Ямонни ямон, яхшини яхши бил.
Ямонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

Эр кишига зебу зийнат –
ҳикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла
хотунларға оройишдурур.

Эл айбини айтурға бировким, узатур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узатур, бил.

Зевар била шакли ҳўб бўлмас,
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ.
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош.
Не эл ери бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сори йўл.

*Жиззах шаҳар бош имом-хатиби
Фахриддин ШАЙЗОҚОВ тўплади.*





ТЕМИР УЗУК ТАҚИШ ЖОИЗМИ?

САВОЛ: Ихлос сурасини 200 марта ўқиган одамнинг 50 йиллик гуноҳи кечирилади, деган ҳадис тўғрими?

ЖАВОБ: Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: *«Ким ҳар кун «Қул ҳуваллоху аҳад»ни икки юз марта ўқиса, унинг зиммасидаги қарзидан бошқа эллик йиллик гуноҳлари ўчирилади»*, дедилар (Имом Термизий *«Сунан»*да, Имом Байҳақий *«Шуабул-имон»*да ва Ибн Адий *«ал-Комил»*да ривоят қилган).

Муҳаддис уламолар мазкур ҳадисни заиф дейишган. Лекин фазилатга ундовчи ҳадисларга амал қилиш мумкинлигига иттифоқ қилишган.

САВОЛ: Аёлнинг тилла тақинчоқлари закот нисобига етса-ю, қўлида нақд пули бўлмаса, уларнинг закоти қандай адо этилади?

ЖАВОБ: Нисобга етган мол кимники бўлса, закот ҳам унинг зиммасида бўлади. Сиз айтган тақинчоқларнинг бири билан закотни ўташ ё қарз олиб закотни бериш мумкин.

САВОЛ: Баъзи аёллар ўтказадиган *«Мушкул кушод»* ва *«Биби Сешанба»* жоизми?

ЖАВОБ: *«Мушкул кушод»* ва *«Биби Сешанба»* аёллар орасида тарқалган хурофотлардан. Мусулмон эр ва аёл амаллари Қуръони карим ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ бўлиши лозим. Банданинг бошига тушган қийинчиликни енгил қилувчи, мушкулларни осон қилувчи Аллоҳ таолодир. *«Мушкул кушод»* ёхуд *«Биби Сешанба»* каби маросимлар динимизга ёт бўлган маросимлардир.

Мусулмон одам ҳар бир ҳолатда Аллоҳ таолога илтижо қилиши, бошига тушган қийинчиликларни кетказишни Аллоҳ таолодан сўраши лозим.

САВОЛ: Хотин эрининг фамилиясига ўтиши мумкинми? Бу ишда хотинни мажбурлаб бўладими?

ЖАВОБ: Бу масалада аёлнинг ихтиёри ўзида, уни мажбурлаб бўлмайди. У одат бизга бошқа халқлардан кириб келган ва ўтмишда бу иш бизда урф бўлмаган. Ислондаги асл қоида ҳамма ўз отасининг номи билан чақирилиши керак. Лекин зарурат бўлса, масалан, яшаб турган давлатининг талаби шундай бўлса

ёки урфда эрининг фамилиясига ўтиш шарт бўлса, хотин ўз ота-онасининг номини ўзгартирмай, эрининг фамилиясига ўтиши жоиз.

САВОЛ: Нима учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг аёллари *«мўминларнинг оналари»* дейилади?

ЖАВОБ: Аллоҳ таоло марҳамат қилган: *«Пайғамбар мўминларга уларнинг ўзларидан меҳрибондир, унинг хотинлари уларнинг оналаридир»* (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг у зотнинг аёлларига уйланиш ҳаромлиги ва аёлларининг ҳурматлари юксаклиги жиҳатидан улар она ҳукмидалар. Аҳзоб сурасининг 53-оятида марҳамат қилинади: *«Сизлар учун Аллоҳнинг Пайғамбарига озор бериш ва ундан кейин аёлларига уйланишингиз асло мумкин эмасдир. Чунки бу Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир»*.

Мазкур ояти карималарга асосан Пайғамбаримизнинг аёллари мўминларнинг оналари ҳисобланишади.

САВОЛ: Ҳозирда айрим йигит-қизлар узук тақиш суннат деб оддий темир узукни тақишни одат қилмоқда. Шариатимизда шу жоизми?

ЖАВОБ: Аёллар ва қизларнинг темирдан узук тақиши макруҳ бўлади. Узук тилла ёки кумушдан бўлиши керак. Фуқаҳоларимиз бундай дейишган:

“Эркак ва аёлларга темир, жез (оқ мис), сариқ мис ва қўрғошиндан ясалган узукни тақиш макруҳдир” (“Жавҳаратун наййира”).

Абдуллоҳ ибн Бурайда ўзининг отасидан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир киши темир узук тақиб келди. У зот: “**Нима бўлдики, сенда дўзах аҳлининг тақинчоғини кўрмоқдаман?!**” дедилар» (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насоий ривоят қилишган).

Эркаклар фақат кумуш узук тақишлари жоиз.

САВОЛ: Баъзида таҳоратим бор-йўқлигига шубҳаланиб қоламан. Шу пайтда қандай йўл тутиш керак?

ЖАВОБ: Таҳорат қилгани аниқ, лекин уни бузилган ёки бузилмаганидан шубҳаланган киши таҳоратли ҳисобланади. Таҳорати йўқлигини аниқ билиб, таҳорат қилган ёки қилмаганига иккиланган киши таҳоратсиз ҳисобланади.

Агар таҳорат қилаётганда бирор аъзони ювган-ювмаган

нида шубҳа қилса ва бу умрида биринчи марта содир бўлаётган бўлса, ўша аъзони ювади. Аммо бундай шубҳа кўп марта такрорланаётган бўлса, унга эътибор бермайди.

Таҳорат қилиб бўлганидан кейин бирор аъзони ювганида шубҳаланса, бунга эътибор қилмайди (“*Фатавойи ҳиндийя*”, “*Хулосатул фатаво*”).

САВОЛ: “Амали касир” ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Фикҳ китобларида “амали касир” ҳақида уч хил таъриф берилган:

Биринчиси, намоздан ташқарида икки қўл билан қилинадиган ишни намозда қилиш “амали касир” дейилади. Мисол учун, салла ўраш каби ишларни намознинг ичида бир қўл билан бажарса, намоз бузилади. Аммо дўппини кийиш ёки ечиш каби бир қўл билан бажариладиган ишлар намозни бузмайди. Аммо узрсиз бундай қилиш макруҳдир.

Иккинчиси, намоздаги киши ўзини кўп ҳаракат қилдим, деб ўйласа, “амали касир” бўлади ва намози бузилади.

Учинчиси, намоз ўқиётган кишининг ҳаракатларига ташқаридан қаралганида, у намоз ўқимаяпти, шекилли, деган хаёлга борилса, “амали касир” бўлади ва намоз бузилади (“*Фатавойи Оламғирия*”, “*Табйинул ҳақоиқ*”, ва “*Фатавойи Қозихон*” китоблари).

Мазкур ҳолатларда намоз қайта ўқилади.

САВОЛ: Аёллар кимларнинг олдида намоз ўқишлари мумкину кимларнинг олдида ўқишлари мумкин эмас?

ЖАВОБ: Бу ҳолат маҳрам ва номаҳрам масаласидан келиб чиқади. Аёл киши номаҳрам инсон билан бирга намоз ўқий олмайди. Аммо бошқа аёллар ёки унга маҳрам эркаклар бўлса, булар билан бир жойда намоз ўқишлари ёки бир имомга иқтидо қилишлари мумкин.

САВОЛ: Қуръони каримни ўқиганда аёллар намоздаги каби ўранган бўлишлари керакми?

ЖАВОБ: Қуръони каримни ўқиш учун аёл тўлиқ ўранган бўлиши шарт эмас. Лекин Қуръон ўқишдан аввал таҳорат қилиш лозим. Тоза кийимларни кийиш, мисвок ишлатиш қиблага қараб ўтириш, хушбўйликлар суртиш ва аёллар енгил бўлса ҳам бошига рўмол ташлаб олишлари одобдандир.

САВОЛ: Эр азон айтгунча хотини намозини бошлаб юборса бўладими?

ЖАВОБ: Намоз вақти киргач, аёллар азон ва такбир айтилишини кутмасдан намоз ўқишлари жоиз. Чунки азон эркаклар учун суннатдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
(78) 150-33-44



(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда.)

3-дарс

Қизларнинг олдида одоб-ахлоқли бўлиб кўринадиган, уларга чиройли муомала қиладиган ва аёллар уларнинг “меҳр”ига учадиган баъзи кишиларнинг гапларини сиз тўғри деб билманг. Ёлғон! Йигитларнинг ўзлари холи қолганда гаплашадиган сўзларини эшитганингизда, шубҳасиз, кўрқинчли нарсаларни эшитардингиз. Йигит сизга табассум қилиши, хушмуомалалик билан ўз хизматини тақдим қилиши фақат бир мақсад биландир. Унинг бу ҳаракатларида бир тайёргарлик ижобий фикр уйғотиш билан ўзига чорлаш нияти бор. Шундан кейин нима бўлади, эй қизим, фикр қилинг! Бир лаҳзалик роҳатда аёл унга шерик бўлади. Сўнгра эркак уни унутади, аёл эса, у ишнинг ғам-ғуссасини тортган ҳолда абадий хор бўлади. Эркак ҳеч нарса бўлмагандек кетади, имкон туғилса, яна бошқа

Шайх Али ТАНТОВИЙ

Эй қизим!

бир ғофил қизнинг номусини ўғирлаш каби жирканч ишини давом эттиргани ҳолда яшайверади. Аёлни қорнида ҳомиласи билан, азиятини жисмига, шармандаликни елкасига юклаган ҳолда ташлаб кетади. Бу золимни эса, жамият кечириб юборади, “Ёшликда адашиб, сўнг тавба қилди”, дейишади. Аёл эса, ҳаёти давомида ор-номус ва уят исканжасида қолади, жамият уни ҳеч қачон кечирмайди.

Эй қизим! Аллоҳ сизни менга омонат қилиб берди, қандай қилиб икки дунёда ҳам бахтли-саодатли яшамоқликни ўргатди... Мен сизга, сиз эса фарзандингизга масъулсиз. Фарзандингиз сиз каби бўлади, тарбия, ваъз-насиҳат билан эмас, балки амал қилиб кўрсатиш биландир. Бу ўринда сизга таъсир ўтказувчи барча тарбиянгизга масъул бўлиб қолади. Инсонлар ўзлари библиб-билмай атрофдагиларга таъсир ўтказадилар, бунга кўп гувоҳ бўлганман. Унутмангки, хулқ сизга умрингиз давомида одат, характер тарзида сингиб боради. Сизни қандай тарбия қилдик?

Қачонки сизга бир нарса олиб берсак, “Аллоҳ берди!” дедик. Бирор нима сўрасангиз, биз: “Аллоҳдан сўрагин, Унда ҳамма нарса бор”, дедик. Қачонки дуо қилиб сўрасангиз-у, Аллоҳ бермаса, демак, “Балки Аллоҳни норизо қилгандирсиз”, дедик. Сизга “Аллоҳ ҳамма нарсани яратган. Ундан сўрасак, У бераверади, қанча берса ҳам, Унинг мулки камайиб қолмайди, берганлари эвазига эса, биз Унинг бизга буюрганларини қилиб, қайтариқларидан қайтсак, бас”, деб ҳар гапни Аллоҳ таоло билан боғлайвердик. Сизга исбот, далилсиз ишонадиган қилиб тушунтирдик! Хато қилсангиз, жазоламандик, балки Аллоҳ таолонинг норизо бўлишини айтиб тушунтирдик, агар сизни жазолаганимизда сиз қонунлар назорат қилолмайдиган жойда “хато” қилишингиз мумкин эди, биз сизга “Аллоҳ ҳамма ерни кўриб туради”, дея Ҳақдан ҳаё қилишни қалбингизга жо қилдик.

Эй қизим, сизга умматга энг меҳрибон бўлган зот Пайғамбаримиз сол-



лаллоху алайҳи ва саллам ҳақларида, у зотнинг саҳобалари ва улардан кейинги даврдаги солиҳлар ҳақида гапиришдан асло эринмадик, уларнинг Аллоҳга қандай муносабатда бўлганларидан тортиб, одамларга қандай муносабатда бўлганлари ҳақида айтиб бердик.

Шу тақлид ўсдингиз, энди мактабга борасиз, ўртамаздаги масъулият сизни Раббимиз буюргандек кийинтириш эди, сизни жуда ҳам қиммат бўлган либос билан кийинтирдик. Сиз Ислом амалини қийматли ва гўзал тарзда адо қилинг.

Эй қизим! Сиз Аллоҳ буюргандек кийинар экансиз, бунини аввало, Аллоҳдан қўрқибгина бажаринг. Агарки, инсонларнинг кўзи учунгина қилсангиз, қилган амалларингиз бир қумдан ясалган бино ҳисобланади. Жуда заифдир, у сизнинг охиратингизга ярамайди, унинг сизга ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Эй қизим! Сиз Аллоҳ амр қилганидек, динимиз буюрганидек кийинар экансиз, шуни ҳеч ёдингиздан чиқарманг, Раббимиз сизга бунини бежиз фарз қилмади. Сиз бозор расталаридан ширинлик сотиб олар экансиз, қандайини оласиз? “Очиқ” турган, барча кўрганнинг назари тушганини? Ёхуд чиройли қилиб “ўраб” қўйилганини оласизми? Асли бу икки ширинликнинг таркиби бир хил бўлса-да, фақат уларни қийматли қилган нарса бу – шу устини ўраб турган қоғозидир...

(Давоми бор.)

Таржимонлар:
Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ

Болали уйда гап ётмас

Аёлнинг сунбули – йигитнинг дили.

Биянинг югуриги яхши,
Хотиннинг – эпчили.

Бой амр этмаса,
Бовча хамир этмас.

Болага тегма, балоси чиқар,
Хотинга тегма, қасоси чиқар.

Болали уйда жанжал бўлса ҳам,
Гурбат бўлмас.

Кўча севгиси уйни барбод этар.

Олис йўл отни синар,
Оғир кун – хотинни.



“ҲЕЧ УНУТА ОЛМАЙМАН!”

Инсонлар гоҳида биздан муаммоларини ҳал этишимизни талаб қилишмайди, улардан ташвишланаётганимизни билишса, шунинг ўзи етарли уларга.

Саховат фақатгина мол билан бўлмайди. Ўзтибор ҳам саховатдир. Гоҳида ҳамдардлик бутун дунё молига тенг келиши мумкин.

Ифк ҳодисасида Ойша розияллоху анҳонинг олдига ансорийлардан бир аёл кирди. Аммо мусибатнинг зўридан Ойша онамизга бирор оғиз тасалли берадиган сўз айтмади. Фақатгина бирга йиғлаб ўтирди, холос.

Ойша розияллоху анҳо: “Уни ҳеч қачон унута олмайман!”, деганлар!

Маҳзунлик қувватни мағлуб қилади. Сизни кўрган кишилар омонлик ҳис қилишсин. Маҳзуннинг кўз ёшларини артинг. Ҳеч кими йўқнинг елкасини силанг. Яқинини йўқотганни қучоқланг, ҳамдарди бўлинг. Кўринмай кетган кишингизни йўқланг!

Бу унчалик катта қаҳрамонлик талаб қилмайди. Инсон бўлсангиз бўлди!

Абдуқодир ПОЛВОНОВ

Ижтимоий тармоқлардаги тартибсизликлар

ёхуд қизларнинг интернет сабабли бадном бўлишлари

Вақт – бебаҳо. У ўтиб кетса, қайтиб келмайди. Биз билан фақат қилолмаган ишларимиз ёки хатоларимизнинг афсуси қолади. Бугун мана шу бебаҳо вақтни беҳуда сарфлаётган ёшлар оз эмас. Айниқса, қизларимизнинг келажакини ўйлашимиз, уларни оналикка, аёлликка тўғри тайёрлашимиз лозим. Бу, албатта, уларнинг илми ва маърифатли бўлишига боғлиқ. Афсуски, вақтни беҳудага совураётган қизлар ҳақида бугунги суҳбатдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари кишини ўйлантиради ва мушоҳада қилишга чорлайди.

Инобат Уста-Алимова, “Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари:

– Ҳазрат Жалолиддин Румий айтганидек: “Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган. Умрни шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва ҳаётнинг моҳиятини тўғри англаб етган одам нақадар бахтли!” Тўғриси, ижтимоий тармоқларда вақтини беҳуда совураётганларга ачинаман. Улар ҳазрат Румий айтганидек, зинапояннинг куйи поғонаси қолиб кетмоқда. Балки ҳозирча уч-тўрт сўм топаётгандир. Лекин бу қачонгача?

Афсуски, интернетга боғланиб қолган фарзанд билим олишга юзаки ёндашади, фаол ҳаракатда бўлмай, узоқ вақт монитор рўпарасида ўтиради. Бу вақтни зое қилади. Агар қиз фарзандингизда бундай ҳолат кузатилса, вазият янада мураккаблашади. Сабаби,

қиз – оиланинг шаъни. Унга нисбатан айтилган ҳар бир гап бутун оилага тегишлидир. Айтайлик, қиз ижтимоий тармоқда мутлақо бегона кимса билан танишди. Бу эса жамиятда жоҳилликнинг илдиз отаётгани ҳамда ёшлар онгига салбий таъсир қилаётганини англатади.

Имом Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳ Аср сураси тафсирида қуйидагини айтган: “Аллоҳ таолонинг аср билан, яъни вақт билан қасам ичиши унда ажойиботлар бўлгани учундир. Чунки хурсандлик ҳам, ҳафалик ҳам, саломатлик ҳам, беморлик ҳам, бойлик ҳам, фақирлик ҳам – барча-барчаси вақт ичида ҳосил бўлади. Ўтаётган умрни бойлик билан баҳолаб бўлмайди. Шундай экан, агар сиз минг йилни зое қилиб юборган бўлсангиз-у, умрингизнинг сўнгги дақиқасида тавба қи-

лишга муваффақ бўлиб, ўша лаҳзадагина сизга саодат насиб этган бўлса ва бунинг натижа-сида сиз жаннатга эришган бўлсангиз, демак, сиз учун энг шарафли нарса ўша лаҳзадаги ҳаётингиздир”.

Қизларнинг бўш вақтини нафақат ота-она, ўқитувчи, балки маҳалла-қўй ҳам назорат қилиши лозим. Иложи борида, ҳамёнбоп ёки бепул тўғаракларни кўпайтириш ва қизларни қизиқтирадиган йўналишлардаги мутахассисларни жалб қилишимиз лозим.

Зулфизар Холхўжаева, ўқувчи:

– Ота-оналар фарзандининг қаердалигини билиш учун телефон олиб берган. Дарсларимиз ҳам телефонга боғлиқ. Лекин ундан бошқа мақсадларда фойдаланаётган тенгдошларим ҳам бор. Масалан, йигитлар билан суҳбатлашиб, ахлоқсиз видеолар кўришяпти. Менинг телефониمنى ота-онам назорат қилади. Ҳозир ўқишга тайёрланыпман. Бандлигим сабаб телефондан бошқа мақсадда фойдаланишга вақтим йўқ. Менимча, бекорчи ва ота-онасининг назорати кам бўлган қизлар телефондан нотўғри фойдаланади. Баъзан уларнинг “Инстаграм”, “Тик-ток”даги блогерларнинг сўкиниб, ярим яланғоч юришларини завқ билан томоша қилиб, бир-бирига гапираётганини кўраман. Лекин ўқитувчи уйга вазифани сўраса, жавоб беролмайди. Сабаби, у дарс қилиш ўрнига вақтини ижтимоий тармоқда ўтказган. Устозлар айрим қизларнинг кийиниши, бўяниб, сочининг қилган турмагига танбеҳ беришади. Уни ота-онаси эмас, ижтимоий тармоқлар шундай қиёфага солиб қўймоқда.

Қиз фарзандни солиҳа қилиб вояга етказиш орзусидагилар уни неъмат деб билади, қизини “Бировга бериб юбораман, қизим ортиқча юк”, дея паст назар билан қараб, ўқигандан кўра рўзғор ишларини қилсин, дейдиганлар учун... Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир қиз жамиятнинг номуси, ори бўлсин. Асло акси эмас!

**Камола
АБДУМАЛИК**
қизи ёзиб олди.

Дунё...

Дунё мисоли ясанган келин,
Нафсга эргашиб, ушлама қўлин...
Бозордек шайтон қурган бир дўкон –
Олганинг ёлғон, букади белинг.
Нафсига қуллар гуноҳга йўллар,
Унинг касридан сақлагил дилинг.
Бошдан оёқ ғам-ғуссадир, бир боқ,
Сайраб қўймасин макри-ла тилинг.
Ичганлар – хароб, ичма деб шароб,
Ичмаган айтар: “Маҳшарни билинг”.
Ғамини унут, қилмасин хушнуд,
Қазога рози айлагин қулинг.
Дунё бир ҳаммом, покланинг тамом,
Малика, Ҳақдан минг рози бўлинг!..

Ҳикматни билдир

Аллоҳ, Сен – Ёрим! Нафсим – ағёрим,
Тақвони ўргат, Парвардигорим!

Сендан ўзга бир дардим билар йўқ,
Зикринг дилимда хур чаманзорим!

Ислонинг ҳақдир, ихлосим ёқтир,
Ўзингсан олий фармонбардорим!

Фоний дунёнинг матоси оздир,
Боқий дунёда бойлик-чун корим.

Риё қўшмайин, қилайин ихлос,
Билгувчидирсан, эй Биру Борим.

Ҳикматни билдир, кибримни ўлдир,
Ўзим англайин қилган зарарим.

Бандам дея бир йўқла маҳшар кун,
Жамолинг орзум, Ғафур, Ғаффорим!

Малика ҚОБУЛОВА,
Бахмал тумани
Тонготар қишлоғи

Аёлларга ибрат бўлган

Фотимаи Самарқандия



Динимизда аёлларнинг илм-маърифатли бўлишига катта эътибор қаратилган. Бунинг натижасида илм-фан ва маданият тараққиётида бекиёс ҳисса қўшган Нодира-бегим, Увайсий ва илм-фан ҳомийси бўлган Бибиҳоним каби кўплаб маърифатпарвар олималар яшаб ўтишган. Ана шундай олималардан бири Фотима бинти Муҳаммад Самарқандиядир.

Фотимаи Самарқандия – буюк фақиҳ Алоуддин Самарқандий (ваф. 1144)нинг қизи ва машҳур ҳанафий фақиҳи Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191)нинг жуфти ҳалолидир. Олима таълимни асосан отасидан олган. Самарқандийнинг Ислом ҳуқуқига оид “Тухфатул фуқаҳо” ва Куръон тафсирига оид “Шарҳу таъвилоту аҳлис сунна” каби асарларини ёддан билган. Шунингдек, ўз замонасининг барча зарур билим ва санъатларини эгаллаган.

Абдулҳай Лакнавий “Фавоидул баҳийя” асарида: «Фотимаи Самарқандия машҳур олима, фақиҳадир. Фиқҳ (Ислом ҳуқуқи)ни отасидан ўрганган, унинг “Тухфа”сини ёддан билган!» деб таърифлайди.

Олима кўп асар ёзгани айтилса-да, манбаларда биргина фиқҳ илмига оид “Мажмаъул фавоидли жамъил авоид шарҳ тухфатил мулук” (“Подшоҳлар тухфаси асарига фойдалар жамланмаси шарҳи”) асарида бошқасининг номи зикр этилмаган.

Фотиманинг турмуш ўртоғи Абу Бакр Косоний ҳам унинг отаси Алоуддин Самарқандийнинг шогирдидир. Косоний Алоуддин Самарқандийнинг “Тухфатул фуқаҳо” асарига “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” деган йирик ўн жилдлик шарҳ ёзиб, устозига тақдим этганида асар ҳам мазмунан, ҳам услуб жиҳатидан мукамаллигини кўриб, қизи Фотимани унга никоҳлаб беради ва “Бадоиъ” қизнинг маҳри деб белгиланади. Бунгача қизнинг юксак илмий савияси, ақл-заковати ва ҳусни жамоли сабаб бир қанча обрўли хонадонлар, жумладан, ҳукмдор салжуқий

шаҳзодалардан ҳам совчилар келганида Алоуддин Самарқандий барчасига рад жавобини берган. Тўйдан кейин халқ орасида “устозининг “Тухфаси”ни шарҳлаб, қизига уйланиб олди” деган гап машҳур бўлиб кетди.

Фотимаи Самарқандия моҳир хаттот бўлиб, оилавий ҳайъатдан чиқадиган фатволарни шахсан ўзи оққа кўчирар, шунингдек, ўз муҳрини ҳам қўяр эди. Сабаби, у фиқҳ, тафсир, ҳадис ва ақида илмлари олимаси бўлгани учун фатво бериш ваколати ҳам бор эди. Янги оила қурилганидан сўнг ҳудудда Алоуддин Самарқандий, Абу Бакр Косоний ва Фотимаи Самарқандия номидан муштарак фатволар чиқадиган бўлди.

Абу Бакр Косоний 1146 йил зангийлар давлати пойтахти Ҳалабга элчи қилиб жўнатилган. Ўн йиллар ўтиб Косоний ўз юртига қайтмоқчи бўлганида, Султон Нуриддин ибн Маҳмуд Ҳалабда қолишини илтимос қилади. Косоний юртга қайтишни умр йўлдоши истаётгани ва унинг раъйини қайтара олмаслигини маълум қилади. Шунда султон Фотимага Ҳалабда қолишни илтимос қилиб, хат юборади. Бироқ номани олиб келган эркак ки-



ши бўлгани учун олима уни қабул қилмайди. Унинг тақвосига қойил қолиб, ҳукмдор аёл-чопар юборади ва Фоти-ма илтимосни қабул қилади. Шу билан улар Ҳалабда яшаб қолишади.

Фотимаи Самарқандия 1187 йили Ҳалабда вафот этади ва шаҳар ташқарисидаги “Мақоми Иброҳим Халил” мақбарасига дафн этилади. Кейинчалик (1191 йил вафот этганда) эри ҳам ушбу жойга дафн этилиши билан қабристонни “Эру хотин қабристони” деб атай бошлашади.

Собиржон РУСТАМОВ



Собиржон домла Рустамов 1967 йилда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида туғилган. 1999 йилда Тошкент ислом институтини, 2007 йилда Тошкент давлат Шарқшунослик университетини битирган. 1999–2018 йилларда Олмазор туманидаги бир нечта масжидларда имом-хатиб бўлган. Ҳозир “Хувайдо” жоме масжиди имом-хатиби ҳамда Шайхонтохур тумани бош имом-хатибидир.

Тасбеҳ тутган тарбиясиз

Бир куни бозорда собиқ ўқувчим билан учрашиб қолдим. Кайфиятсиз бир ҳолатда эди. Саломлашгач, сабабини сўрадим. “Эҳ, устоз, ҳозиргина, ҳув, очиқ айвонли кафега кириб, чой ичмоқчи бўлдим. Эндигина бир жойга ўтиргандим, ён столдаги хўрандага хизматчи аёл чой келтираётиб, қоқилиб кетди ва қўлидаги чойнак ерга тушди. Аёл эпчиллик билан оёғини тортиб олди. Тепароқ столда дўппи кийган ёш йигит (бошлиқ) ўтирган экан. Бу воқеани кўрди-ю, қўлида тасбеҳ, югуриб келиб, хизматчи аёлга:

– Нима, кўзинг кўрми? Маҳкамроқ ушласанг, ўлармидинг?!
– деб бақирди ва оғизга олиб бўлмайдиган хунук гаплар билан ҳақорат қила бошлади.

Аёл:

– Чойнакнинг банди нимжон экан-да, яхшиям куйиб қолмадим, – деб йиғлади. – Нега ҳақорат қиласиз? Онангиз тенгиман-а!
– Нега менга гап қайтарасан?! – деб муштини кўтарди йигит урмоқчи бўлиб.

Хизматчи аёл қўрққанидан қочиб, одамлар орасида ғойиб бўлди.

Бу воқеани кўриб:

– Ҳой йигит, ўзингни босиб ол! Онанг тенги аёлни ҳақорат қилгани уялмайсанми? Оғзингдан чиқаётган ифлос сўзларни қара! – дедим. Менинг сўзимга бошқалар ҳам қўшилди. Атрофдагиларнинг ҳам кўнгли хижил бўлди.

– Нима ишларинг бор?! Бировнинг ишига аралашманглар! У аёл менинг ишчим. Нима десам, ҳаққим бор! – жаҳл қилди дўппи кийган тарбиясиз йигит.

Одамлар еб турган овқатини тугатмасдан чиқиб кетаётиб, бири-бирига:

– Қўлида тасбеҳ-у, ичи тўла ифлос сўзлар-а! Ғирт тарбиясиз одам экан, бечора аёлнинг кўнглини оғритди, – дер эдилар.

Собиқ ўқувчим ушбу сўзларни хафа бўлиб гапириб берди. Менинг эса, “Бировнинг кўнглига озор бериш Каъбани вайрон қилишдан ҳам ёмонроқдир” деган донолар ҳикмати ёдимга келди.

Тўхтаҳон РАҲИМОВА,
Наманган тумани
Шўрқўрғон қишлоғи



Жала қуяётган эди. Йўлда қўл кўтарган аёлга бир машина тўхтаб, уни олмай кетганига кўзим тушди. Ёмғирда турмасин дея машинага миндириб олдим. Бир маҳал қаршимиздан ёмғир остида чопқилаб юрган болалар чиқиб қолди. Улардан бири машинанинг олдига чиқиб кетди. “Ҳа, шумтака!” деб қўйдим болакай гапимни эшитмаган бўлса ҳам. “Қанийди, шундай бола бўлиб қолсайдим”, деб қолди йўловчи аёл.

“БОЛА БЎЛИБ ҚОЛСАМ ҚАНИЙДИ...”

“Болалик беғуборлик-да!” деб қўйдим. “Тўғри-ку, биласизми, мен айнан шундай беғуборлик чоғимда Раббимни таниб олмаганимдан кўп афсусланаман”, деди у.

Ишонасизми, шу гапни эшитганимдан сўнг асло қарамаслигим керак бўлгани ҳолда беихтиёр унга ўгирилиб қарадим. Ёши эллик бешлар чамасидаги қатъиятли аёлни кўзлари аллақандай мунглидек кўринди. “Бизни замон ҳам чалғитди-да”, деб унга далда бўлдим. “Шундай деб айбни шўроларга, нобоп замонга ағдарамиз. Аммо бу билан қалбимиз қўрқувдан халос бўлмайди. Қолаверса, болаликнинг шукуҳи бошқача, барибир. Боши саждага бормаи қанча одамлар юрибди,

ўшаларнинг сафига қўшиб қўймаганига шукр”, деди. Индамадим. Манзилга ҳам етиб келдик. Машинадан тушиб раҳмат айтиб метрога шўнғиб кетди.

Йўлда давом этарканман, унинг гапларини ўйлаб бораётиб туни билан ухламай имтиҳонга тайёрланиб чиққан қизим ёдимга тушди. “Тун ярмидан оғди, ухламайсанми?” десам, “Эртага имтиҳоним бор, шунга тайёрланыпман”, дейди.

Бола устозининг олдида мулзам бўлиб турмаслик учун туни билан мижжа қоқмай имтиҳонга тайёрланди. Биз-чи: ҳисобимиз кўтариладиган кунга қандай тайёрланыпмиз!

Аллоҳ таоло ояти каримада: **“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинлар. Ҳар ким эрталики кун учун нима қилганига назар солсин. Аллоҳга тақво қилинлар. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир”** (*Ҳашр сураси, 18-оят*), деб огоҳлантирган.

Ушбу оят мазмунидан келиб чиқиб ўзимизни талаба билан муқояса қилсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: талабадан устози олти ойда бир марта ҳисоб сўрайди. Талаба, ҳатто дарс вақтида нима қилиб ўтирибди? Дарсдан кейин нима қилади? Қаерга боради? Кимлар билан учрашади? Бу ишларни қатъиян назорат қила олмайди. Агар устоз битта талабани ми-

ридан-сиригача таъқиб этмоқчи бўлса, ўзининг ҳаёти қолиб, фақат унинг ортидан юради.

Бизнинг вазиятимиз эса, бутунлай бошқача. Аллоҳ бир оятнинг ўзида бизни тақвога буюриш баробарида ҳар бир ишимизни кўриб-билиб турганини таъкидлапти. Эртанги кунимиз учун қандай тадбир кўрганимизга эътибор қаратишимизни уқтиряпти. Шунининг биллиб туриб ҳам баъзиларимиз ҳалиги аёлни гапларига буткул тескари келиб: “Ҳали ёшмиз-ку, пенсияга чиқиб олайлик-чи...” деб ҳузурланиб, эснаб қўямиз. “Пенсияга...”

Бу гапни айтганимизда учта мўътабар манбадан бирида ҳам гапимизни тасдиқлашга оид ишора йўқлигини эслаб қўйиш ўзимиз учун фойдалидир: шариятимиз китобларида, миллатимиз анъаналарида, ҳукуматимиз қонунларида “Ибодатни қариялар, пенсионерлар қилсин”, деган жумла-банд йўқ.

Бундан аён бўладики, эринчоқлик қилиб ўзимизни ўзимиз алдаб юрибмиз. Баъзан нобоп замонни баҳона қиламиз, баъзан шайтонни. Баъзида эса ёшликни – умримизнинг энг куч-қувватга тўлган – гуллаган даврини!..

Ҳали ундай қиламан, ҳали бундай қиламан, деган қуруқ гаплар билан, ҳаёлий режалар билан умримизни бой бериб қўймайлик.

Аллоҳ барчамизни ҳузурига қуруқ қўл билан боришимиздан асраб, бизга ғайрат, тақво аҳлининг фазилатларидан насиб айласин!

Дамин ЖУМАҚУЛ

Аёлларга хос масалалар

Таҳорати йўқ кишининг намоз ўқиши ва (тиловат) саждаси қилиши ҳаромдир.

Таҳорати бузилган киши таҳорат қилмай, ҳайз, нифоси тўхтаган аёллар ва жунуб ҳолатдаги эр ё аёл ғусл қилмасдан намоз ва (тиловат) саждаси қилиши ҳаромдир. Ҳайз ва нифосдан покланган аёл у ҳолатда ўқимаган намозларнинг қазосини ўқимайди. Аёл ва қизларга ҳайз кунларида ҳар бир намоз вақтида таҳорат олиб, жойнамозда ўтириб, намоз адо этиш учун кетадиган вақт миқдорига тасбеҳ ва таҳлил айтиши мустаҳаб бўлади.

Муоза розияллоҳу анҳо бундай ривоят қилади: «Ойша онамиздан: “Нима учун аёллар ҳайз кунлари ўқишмаган намознинг қазосини ўқимайди, лекин рўзанинг қазосини тутати?” деб сўрадим. Онамиз розияллоҳу анҳо: “Сен ҳарурийликми-сан?” деб сўради. Мен: “Йўқ, ҳарурийлик эмасман. Лекин билгим келяпти”, дедим. Онамиз розияллоҳу анҳо: “Биз ҳайз кўрганимизда рўзанинг қазосини тутишга буюрилардик, намознинг қазосини ўқишга буюрилмас-

дик”, деб жавоб қилди (Имом Муслим ривояти).

Ҳайз ва нифос ҳолатида рўза тутиш мумкин эмас.

Аёллар ҳайз ва нифос ҳолатида рўза тутиши мумкин



эмас. Агар фарз ё нафл рўза тутаетган аёл ёки қизнинг қуёш ботишидан биров олдин ҳайз одати бошланса, рўзаси бузилади. Унинг қазосини тутиши вожиб бўлади.

Ҳайз, нифос, жунуб ҳолатида Қуръон тиловат қилиш мумкин эмас.

Аёл ҳофизи Қуръон, муаллима ё толиба бўлишдан қатъи назар, ҳайз, нифос ва жунуб ҳолатида Қуръон тиловат қилиши ҳаром бўлади.

Ҳанафий мазҳабида: ҳайз ёки нифос ҳолатидаги аёл-қиз ёки жунуб эр ё аёл Қуръонни ўқиши (гарчи бир оят ёки ундан кам бўлса-да) ҳаром бўлади, яъни мумкин эмас. Лекин Қуръондан бир оятдан кам миқдорини, масалан: “Алҳамдулиллаҳ”ни шукр ниятида айтиши ёки овқатланишдан олдин табаррукан “Бисмиллаҳ” дейишнинг зарари йўқ (“Фатавойи ҳиндийя”).

Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоҳу анҳо айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни жунуб ҳолатда Қуръон ўқишдан қайтардилар” (Имом Дорақутний ривояти).

Уламолар ҳайз ва нифосда аёлнинг ҳолатидаги тасбеҳ, таҳлил ва зикрларни айтиши мумкинлигига иттифоқ қилишган.

Ҳанафий мазҳаби уламолари муаллима опа одати бўлганида Қуръонни ҳарфлаб ўргатишни жоиз дейишган. Кархий раҳимаҳуллоҳ: “Муаллима одати бўлганида Қуръондан битта-битта калима айтиб ўргатади. Ҳар бир калима орасида тўхтайди, узади”, деган.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси

Менинг сиздек отам бор

Болалик чоғлари уруш йиллари-га тўғри келган отам тиришқоқ, меҳнатсевар бўлган экан. Муаллимлардан у кишининг яхши ўқиганларини эшитганман.

Кўп синфдошларимни оналари назорат қиларди, лекин менинг дадам ишларидан ортиб, мактабимизга бориб, ўқишларимни кузатарди. Уйда бизга дарс тайёрлашимизга ёрдам берарди. Шукрки, ҳаммамиз ҳаётда ўз йўлимизни топдик.

Отамнинг оилапарварлиги, бизга меҳри онамнинг бахтиёрлигидан кўриниб турарди. Онам оқила аёл, биз фарзандларга ҳамиша отамизни ҳурмат қилишни, меҳрибон бўлишни ўргатган.

Нафақага чиққан отам яна илмга берилди. Аллоҳнинг Каломи – Қуръони каримни ўрганишга киришиб, бизга ҳам ўргатди. Уйим олисда, тўрт фарзандим билан ҳеч қаерга боролмаган вақтларимда кексайиб қолган отам эринмай олдимга келиб билганларини ўргатарди.



Улардан ҳар сафар дуо олганимизда ишларимиз юришиб, муаммоларимиз ҳал бўлиб кетади. Баъзан фарзандларимиз тарбиясида қийналсак, отамнинг маслаҳатларига эҳтиёж сезамиз.

Фарзанд учун тўла-тўқис оила жуда муҳим. Лекин икки томонга айрилган оилаларда бахтнинг кемтиклигини кўра-миз. Улар арзимаган муаммоларга сабр қилишни билишмаган. Балки отамнинг ҳам онамдан ранжиган вақтлари бўлгандир. Лекин улар оилани қалқондек асрашган, синовлардан сабот билан ўтишган.

**Гулчеҳра
МАҲМУДЖОН
қизи,**

Хатирчи тумани

Табаррук белбоғ

Тикувчилик ҳунарим билан қанча инсонларга кийимлар тикдим. Лекин кексайган отам: “Болам, менга белбоғ тикиб бермайсанми?” деганда тикиб беролмадим-а! Тиккан белбоғим у кишига насиб қилмади. Лекин отамнинг сўзини табаррук билиб, ҳозиргача сумкамда ўша белбоғ, кўксимда армон билан юраман.

Бир куни поездда олис сафарга чиқдим. Кўзларим йўлда-ю, хаёлим олисда, қаршимга келиб ўтирган нуроний отахон сизни ёдимга солди. Очиғи, отаси ёнида бўлган қизига ҳавасим келди. Қизининг меҳрибончилиги, отасининг ҳам худди ёш қизчани эркалагандай муомаласидан завқланиб, уларни кузатдим.

– Қизим, олинг, бу ўзимизнинг боғдан, мевалардан еб ўтиринг, – деб такаллуф қилган отахон дастурхондаги олма-узумларни олдимга сурди.

– Отам ҳам шундай боғда ишлашни яхши кўрарди. Сизга ҳам ўхшаб кетарди. Белига белбоғини боғлаб боғдан келмасди, – шундай дея узумни оғзимга соламан, бўғзимга ёшим тикилади.

Отахоннинг айтишича, қизи 5 ёшлигида аёли оламдан ўтган экан. Отаси ҳикоя қилиб берар, ёнида ўтирган қизи тинглаб кўз ёшларини артарди. Куёвининг ҳам ўғли каби меҳрибонлигини, ҳозир уларнинг уйида набираларига тарбия бераётганини айтди.

– Мен ва турмуш ўртоғимнинг ишимиз ҳар тонг у кишидан дуо олиш билан бошланади. Фарзандларим ҳам буни кўриб, мактабга кетаётиб, бобосидан дуо олади. Отамнинг бироз тоби қочди, шунга яхши шифокорларга кўрсатиб кел-япман, уйдагилар ҳам қўнғироқ қилиб, тезроқ келинлар дейишди, – дейди қизи.

Ёдимда, отажон, сиз ҳам биз қизларга бошқача меҳрибон эдингиз. Кўзимдаги ёшларни артиб, уларга ҳавас қилаётганимни билдирдим. Ҳамиша сумкамда олиб юрадиган, ўша менга армон бўлиб қолган белбоғни отахонга бердим. Армоним ушалгандек бўлиб, енгил тортдим.

Сафия НАЗАРОВА



Бобур Мирзо ҳақида 10 факт

1. Бобурнинг отаси – Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси – Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.
2. Асл исми – Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” (“Шер”) лақабини олган.
3. Отаси Ахсида 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь).
4. Бобур Афғонистонда “Боғи Шаҳроро”, “Боғи Жаҳоноро”, “Ўртабоғ”, “Боғи вафо” ва “Боғи Бобур” каби оромгоҳларни барпо эттирган.
5. Бобурнинг Ҳумоюн, Гулбадан бегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари Кобулда туғилган.
6. Бобур 1526 йил апрелда (43 ёшида) Панипатда Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минг аскар билан тор-мор қилиб, Деҳлини эгаллайди. Кўп ўтмай, иккинчи ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини бўйсундиради.
7. Бобур 1521 йил “Мубаййин” номли назмий асарини ёзиб, унда шариатнинг 5 устунини баён этган. Ўша йил у “Мубаййин ул-закот” китобини ҳам ёзган. Унинг “Ҳарб иши”, “Муסיқа илми” каби илмий асарлари ҳануз топилмаган.

8. “Бобурнома” воқеалари Андижон, Хўжанд, Самарқанддан бошлаб Ҳирот, Кобул ва Аграгача бўлган қамровга эга. Унда Ўрта Осиёдан то Ҳиндистонгача бўлган ҳудуддаги деярли 50 йиллик воқеалар, табиат ва жамият ҳаёти лавҳалари ҳаққоний ифодасини топган.
9. Бобур 47 ёшида Аграда вафот этади ва ўша ерда дафн қилинади, кейинчалик (1539), васиятига мувофиқ хоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган “Боғи Бобур”га қўйилади.
10. Бобур асос солган салтанат Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм суради.

Шоҳ ва шоирнинг муниса қардошлари

Бобур Мирзонинг муниса қардошлари орасида ниҳоятда фазилатлилари кўп бўлган. Баъзилари ҳақида қисқагина маълумот беришни лозим топдик.

Хонзода бегим. Бобур Мирзонинг опаси. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Онаси – Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигор хоним эди.

Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган, мажбурий равишда Шайбонийхон никоҳига кирган ва ундан бир ўғил кўрган. Исмини Хуррамбек деб атайдилар.

Шайбонийхон қатлидан сўнг Хонзода бегим укаси Бобуршоҳнинг саройи – Кобулга қайтиб келган. Кўп ўтмай ўғли Хуррамбек ҳам вафот этган. Хонзода бегим ақл-идроки ва тадбиркорлиги натижасида сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлган. У Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Ҳумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган. 1544 йили оламдан ўтган.

Гулбадан бегим. 1523 йилда туғилган. Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги ягона тарихчи аёл, “Ҳумоюннома” тарихий асарининг муаллифи, Бобур Мирзонинг қизи. Гулбадан бегим ўзининг жияни Акбаршоҳнинг илтимосига кўра, 1585–87 йилларда форс тилидаги “Ҳумоюннома” асарни ёзган. Гулбадан бегимнинг мазкур асари Ҳиндистоннинг аёл киши томонидан ёзилган ягона ўрта аср йилномасидир. “Ҳумоюннома” ўз даврига оид кўплаб материалларни қамраган. Гулбадан бегим 1603 йилда вафот этган.

Зебуннисо бегим. 1643 йилда туғилган. Бобур Мирзонинг кенжа невараси Аврангзеб Оламгирнинг қизи. Гулбадан бегим авлодларидан Зебуннисо бегим 1639 йилда Деҳлида туғилган. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста созанда ва моҳир хаттот бўлган. Араб-форс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис) ини, фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштирган. У настаълиқ, насх ва шикаста хатларини зўр маҳорат ила битган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва қироат билан ёддан ўқиган. 1721 йил вафот этган.

Манбалар асосида Ромитан тумани
«Мулло Нарзи» жоме масжиди имом-хатиби
Суннат ФАХРИЕВ тайёрлади.

Динимизда қийинчилик йўқ

Минг афсуски, ҳалигача баъзи бидъат-хурофотларга диний тус берилиб, ота-боболаримиздан қолган одат деб қаралади. Мана, улардан айримлари:

“Маййитнинг кийимларини тезда тарқатиб юборинглар, акс ҳолда у дунёда кийимсиз бўлади”.

“Ўликнинг ҳурмати йўқми? Ҳеч бўлмаса, “20” сига-ча таъзияда бўлайлик”.

“52 маросимини қилиш керак, чунки маййитнинг 52 кунда эти суягидан ажралади”.

“Таъзия бўлган хонадонда бир йилгача тўй қилиб бўлмайди”.

“Ўлик чиллага тирик чиллани аралаштирмаслик керак!”

“Келинингиз ҳомиладор бўлса, бармоғига ип бойлаб олсин, ҳомилага ўликнинг таъсири бўлмайди!”

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Аллоҳ таоло сизлар учун бу динда ҳаргиз қийинчилик яратмади”** (Ҳаж сураси, 78-оят). Демак, Исломи – енгиллик дини.

Дафн кунидан бошлаб узоғи билан уч кунга қадар аза тутишга шариатимиз рухсат беради. “Фатавойи Оламгирия”да бундай дей-

илган: “Шу уч кун мобайнида маййит чиққан хонадонда овқат қилинмайди. Таъзия билдиришга келган одамларга дастурхон солинмайди, зиёфат берилмайди. Мусибат етган хонадон аҳли қайғули бир ҳолда турганда улар учун меҳмонларга қараш, уларга ош-нон тортиш мусибат устига мусибатдир” (1671-бет).

Баъзи вилоятларда ҳар пайшанба ёки якшанба кунлари, 7, 40, 53, 100 кунни ёки йили муносабати билан ўтказиладиган таъзияга боғлиқ маросимларда жонлиқ сўйилиши, пул ва матолар тарқатилиши катта харажатлар эвазига бўлади.

“Ота-онам вафот этган, улар учун қандай амаллар қилсам, манфаатли бўлади?” деб мурожаат қилишади.

Хайр-эҳсон ҳар кимнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб қилинади. “Бу фарзандлик бурчим, отам ёки онам норози бўлади”, “Эҳсон қилмасам, маҳалладагилар гапирари”, деган мазмунда қарз олиб, эҳсон қилинса, шунинг ўзи гуноҳдир. Бундай маросимларни одамларнинг гапига қараб эмас, балки шариат ҳукмидан келиб чиқиб қилиш керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Замон охирида бир хил қавмлар пайдо бўладики, улар ҳамма амалларни ошкора қилишни ўзларига дўст тутадилар ва махфий равишда сир тутиб қилишни ёқтирмайдилар”, дедилар. Шунда саҳобалар сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ, бунга қандай тушунайлик?” Пайғамбаримиз алайҳиссалом изоҳ бердилар: “Одам бир-бирини кўролмаслигидан, яъни фалончи ундай қилибди, мен ундан ҳам ўтказиб қиламан, дейишидан ёки бир-биридан кўрққанидан шундай қилишади” (Имом Муслим ривояти).

Марҳумнинг яқинлари ўтганлар руҳига Қуръони карим сураларидан тиловат қилса, истиффор айтса, кун ой санамасдан, муҳтож ва ночор кишиларга ёрдам берса, катта савобга эришади, бундан ўтганларнинг руҳи шод бўлади.

Қуръони каримда: **«Қариндошнинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи мусофирларга ҳам (мурувват кўрсат). Лекин сира исроф этма, зеро, исроф қилувчилар шайтоннинг “би-**



**родарлари”дир!» дейилади (Исро су-
раси, 26-оят).**

Атрофда муҳтожлар бор. Туғишган-ларимиздан, опамизми, синглизми, рўзғори тақчиллигидан боласининг оёғига неча йиллардан бери этик олиб бера олмаётганига аҳамият бермаганмиз. Жиянингизга ҳеч эътибор қаратганмисиз? Мактабга тутадиган папкаси тикилаверганидан эскириб кетибди...

Ён қўшнимизнинг турмуш ўртоғи анчадан бери касалманд. Дори-дармонига маблағдан қийналиб юрганини эшитганимизда оддий ҳолатдек қабул қилганмиз. Қўшни маҳалладаги бир аёлни яқинда аҳволи оғир деб “Тез ёрдам”да олиб кетишганди. Энди эса, жарроҳлик амалиёти учун пул топа олмаганидан қайтариб олиб келишди. Бир танишимизга мусибат етиб, хонадони буткул ёниб кетганини, ўзи ҳам, ёш болалари ҳам бошпанасиз қолганини эшитиб, ачиниш билан чекландик. Узоқ қариндошингиз ҳақида хабар эшитиб қолдингиз: “Катта пулга тушиб қолибди, яшаб турган жойини ҳам сотаётган экан”. Сиз бўлсангиз, “Отам ёки онам ўтди, маҳаллага ош бермасам, одамлар гап қилади”, деб катта харажат ташвишида юрибсиз.

Бир инсоннинг кўнглини олганга Каъбани қайта тиклаш савоби берилади. Муҳтожликдан қийналиб турган одамга қилинган ёрдамнинг ажр-савоби улуғ. Ўтган яқинларимизга ҳам савоблари етиб туради, иншоаллоҳ!

Мунира АБУБАКИРОВА,

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
хотин-қизлар масалалари
бўйича бўлимнинг
етакчи мутахассиси*

Тирит

Тирит Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуш кўрган таомларидир.

Керакли маҳсулотлар:

Қўй гўшти – 1– 1,5 kg

Нўхат – 500 gr

Пиёз – 2 дона

Саримсоқ пиёз – 1 бош

Асал – таъбга кўра

Лаваш ёки нон – 1– 2 дона

Таъбга кўра қора мурч, туз, кашнич уруғи, зира соламиз.

Тайёрланиши:

Бир кун олдин нўхатни идишга солиб, устидан совуқ сув қуйинг ва уни 10–12 соат музлаткичда сақланг. Кейин сувини тўкиб, ўзини бир чеккага олиб қўйинг.

Қўй гўштини майда тўртбурчак шаклида тўғранг. Идишга солиб, устидан совуқ сув қуйиб, ўрта оловда бир қайнатинг. Устидаги кўпикларни олиб ташланг. Сўнг майда тўғралган пиёз, нўхат, зираворлардан солиб, бир қайнаб чиққанидан сўнг паст оловда, 1,5 соат қолдиринг. Таом тайёр бўлишига 30 дақиқа қолганда тузни солинг.

Лавашни ёйиб, ёки нон бўлақларини идиш четига териб, ўртасига тайёр таомни солиб, дастурхонга тортиш мумкин. Шунингдек, таъбга кўра асал солсангиз бўлади.

Нурсора ҒАЙРАТОВА тайёрлади.



Журналимизда Ҳано бинти Абдулазиз Сониъ қаламига мансуб “Ғийбатни қандай ташлаймиз?” китоби билан танишдик. Орамизда ушбу асарга меҳр қўйиб, ундаги кўрсатмаларга амал қилган ва ғийбатни буткул ташлаганлар бор.

Энди эса, сиз азизларга Ҳано бинти Абдулазиз Сониъ қаламига мансуб яна бир китобни ҳавола этмоқдамиз. Ушбу асар ҳар куни яхши амаллар қилиб, савоб топиш ҳақидадир.

Ушбу китобни қачон ўқийсиз?

Яхшиликдан тўхтаган ё ўзингизда малоллик ёки ланжлик ҳис этиб, кимдир-

яқинларингизни яхши кўрсангиз, уларга кунларни беҳуда ўтказмасликни англатиш, савоб топиш муҳимлигини билдириш учун уш-

бўлса, дарҳақиқат, дунё ва охират саодатига эришади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳа-

Ҳар куни қандай

нинг турткисига эҳтиёж сезганингизда.

Яхшиликнинг савобидан хабарсизлигингизни билганингизда.

Яхшилик қилишга қизиқсангиз ва шу қизиқишингизни янада оширмакчи бўлганингизда.

Савобларингизни ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлсангиз...

Кўз ўнгингизда кунлар тугун каби ечилади-ю, сиз эса, ўша тугуннинг ечилишини тўхтатиб қололмайсиз. Чунки улар умрингиз кунлари бўлиб, асло ортга қайтмайди.

Ниҳоят...

бу китобни ўқиб беринг. Сабаби, улар сизга энг азиз ва насиҳатингизни олишга энг ҳақли кишилардир.

Азизам, яхши амалларни ихлос билан адо этишни, савобини умид қилишни фарзандларингизга яхшилаб тушунтиришни унутманг!

Сиз Аллоҳни яхши кўрасиз, Аллоҳ ҳам сизни яхши кўришини истайсизми?

Гўзал жавоб...

Айрим уламолар: “Сиз яхши кўришингиз асл масала эмас. Асл масала сизни яхши кўришларидир”, деганлар.

Ечимини хоҳлайсизми?

Аллоҳга яқин бўлинг, шунда У зот сизни яхши кўради.

Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилади: **“Бандам менга нафл ибодатлар билан яқинлашар экан, Мен уни яхши кўриб қоламан...”** (Имом Бухорий ривояти). Ким Аллоҳ таолонинг муҳаббатига эришган

мат қиладилар: **«Аллоҳ таоло бирор бандасини яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломга хитоб қилади: “Аллоҳ таоло фалончи бандасини яхши кўради, уни сен ҳам яхши кўр”. Шундан сўнг Жаброил у бандани яхши кўради. Жаброил алайҳиссалом само аҳлига: “Аллоҳ таоло фалон бандасини яхши кўради, уни сизлар ҳам яхши кўринглар”, дейди. Шундан сўнг само аҳли уни яхши кўради. Шундан сўнг унга ерда мақбуллик берилади»** (Имом Бухорий ривояти).

Ҳофиз ибн Ҳажар айтади: “Ҳадисдаги **“мақбуллик берилади”** иборасидан мурод қалбларнинг уни муҳаббат билан қабул қилиши, унга талпиниши ва ундан рози бўлишидир. Ушбу ҳадисдан одамларнинг қалбидаги муҳаббат Аллоҳ таоло муҳаб-

батининг аломати экани аён бўлади”.

Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишни истасангиз...

Демак, Аллоҳга яқин бўлишни бошлабсиз...

Ҳаётингизни режалаштиришни қойилмақом қилганингиз каби охиратдаги ҳаётингизни ҳам режалаштиришни ўрганинг. Бу

билганингизда, эътибор қилинги, сиз бу ўринда сўрандингиз, изладингиз ва ўргандингиз. Буларнинг бари ишингизни бенуқсон ва гўзал суратда битишни қаттиқ хоҳлаганингиз натижасидир.

Дунёда устунликни қўлга киритган сиз каби аёлни уҳровий ишларда ҳам устунликка эришишдан ожиз деб ўйламайман. Чунки дунё ишларида ютуққа эришувин

лоҳ таолодан қандай ажр олишни ўрганинг. Шунингдек, яхши ният мубоҳ нарсалар ва дунёвий ишларда муҳимдир. Кимки касби ва оддий машғулотларини Аллоҳ таолонинг ҳақи ҳамда вожибот ва мустаҳабларни адо этишга ёрдамчи бўлади

савоб топасиз?

нинг учун амалларнинг энг афзали, кунларнинг энг яхшиси ҳамда садақаларнинг энг аълосини билиб олинг. Яна ажрларнинг энг буюги ва уни қўлга киритиш йўли ҳақида сўранг.

Яхши одамларни излаб топинг ва улар билан алоқани мустаҳкамланг. Улардан фойда олинг, бирга суҳбат қилинг. Аллоҳ таолонинг муҳаббатини қозониш учун Унга қурбат ҳосил қилишни ўрганинг.

Дунёда энг яхши натижага эришиш учун одамлар билан машварат қилишга энг шимарганингиз каби, охират учун амал қилишга ҳам жиддий бел боғланг.

Яқинларингиз ва дўстларингиздан аёллар қўйлаги учун мато қаерда сотилиши, қаерда арзонроқ экани, қайси мато энг сифатли ва бу мато яна қайси рангли мато билан мос тушишини сўраб

гиз ўзингиз яхши кўрган ишга рағбат қилган вақтингизда ғайрат қилишга қодирлигингиз, бу фикрнинг энг катта далилидир. Кунларингиз кўз ўнгингиздан оқиб ўтиб, анқайиб қолманг.

Энди сиз янгилашингиз ва ўзгарингиз...

Одамлар мебель, кийим, идишларни янгилаш ва уларни алмаштиришни хуш кўришади. Лекин биз бу ўринда бошқа бир янгилашни назарда тутмоқдамиз. Бундан кўра, юксакроқ ва улуғроқ иш – хос бир тарзда янгилашдир. У ҳам бўлса, бутун ҳаётингизда ниятингизни янгилашингиздир.

Ҳа, энг афзали ниятингизни энг яхшисига ўзгартириш. Ҳар бир каттаю кичик ишингизда, табассум, ғазаб, уйқуда ҳам, ҳатто овқатланаётган чоғингизда, уёқ-буёққа бориб-келишингизда ҳам Ал

деб мақсад қилса, ушбу солиҳ нияти ейиши, ичиши, уйқуси, роҳати ва касбларидан ўрин олса, бу амаллари ибодатга айланади. Аллоҳ унинг амалларига барака беради, унга яхшилик эшикларини очади. Ўзи ўйламаган, ҳаёлига келмаган тарафдан ризқлантиради.

Ким ушбу солиҳ ниятни билимсизлиги ёки унга бепарволиги билан қўлдан чиқарса, бу ишда фақат ўзини айбласин. Саҳиҳ ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Сен бирор-бир ишни Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилишинг билан ажр оласан. Ҳатто аёлингнинг оғзига солиб қўйган нарсанга ҳам”** (“Шарҳу жавомиъул ахбор”)

(Давоми бор.)

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Уч-тўрт кундан кейин Йилмаз Ҳусайннинг қистови билан яна келди. Аслида қисташига ҳам ҳожат йўқ эди. Уйда кўрган ёмонлик, зулм “Ҳамма энди менга шундай муомала қилади, ҳеч ким яхши кўрмайди, ҳамма мендан нафратланади”, деган ишончни пайдо қилган эди. Йилмаз кимнинг ёнига бормайин, хўрлик, ҳақорат кўраман, деб ўйларди. Бир гал Ҳусайннинг онаси “Ўғлим!” деди, аммо бу сафар ҳам шундай дейдими?..

Дард устига дард – шунча ўгай она бор. Ўгай оналарга топширган болаларининг юзидаги маҳзунликни уқолмайдиган ожиз, ўйсиз, беғам қанча оталар ва, ниҳоят, гулдек болалари чеккан азиятдан суяклари сирқираган неча-неча марҳума оналар бор.

Фотимахоним кўзларининг намланишидан ҳеч нарса тушунмаган Ҳусайн “Хафа қиладиган гап айтдимми?” дея ўйларкан, Фотимахоним: “Айт, ўғлим, айт, у ҳам мени “она” десин. Тушдан кейин олиб кел, майлими?” деди.

Тушдан кейин Йилмаз келди. Кўзларини ердан олмас, уяларди.

– Қани, Йилмаз, “она” десанг-чи онамни!

Ҳусайн учун бир калимадан иборат “она” деган сўзни айтиш қандай қийинлигини, бу сўзнинг нақадар қимматли эканини Йилмаздан сўраш керак эди. Фотимахоним ҳузурида иккита етим бор

эди. Бири дунёнинг барча алам ва қайғусини тотиб кўрган Йилмаз исмли бечора бола, иккинчиси эса айна ҳолатдан Аллоҳнинг марҳамати билан Фотимахонимнинг дуч келиши натижасида бахтиёр бўлган бола. Иккисининг ҳам онаси ўгай. Аммо бири марҳаматсиз, тошдай ҳиссиз, берган азиятидан завқ оладиган виждонсиз, иккинчиси эса ўз болаларига қарашда оналарга ўрناк бўладиган, яъни оналар ўз туққан боласига мана шу ўгай оначалик қарашни, меҳрли бўлишни ҳавас қилишига сазовор бўлган.

Фотимахоним Йилмазнинг рўпарасига чўккалади. Бир неча тенгдоши тоқат қилолмайдиган машаққатлар бошига тушган ети-саккиз ёшлардаги бу болага, маҳзун чеҳрали жажжи бу инсонга меҳр тўла кўз билан қаради.

– Қани, “она” дегин-чи мени, ўғлим! Энди мен сенинг ҳам онангман. Ҳусайн қандай ўғлим бўлса, сен ҳам шундай ўғлим бўласан. Хафа қилма мени, “она” дегин-чи, ўғлим...

Бу орада кўзлари ёшга тўлган Йилмаз бирдан ўзини Фотимахонимнинг бағрига отди.

– Она, онажоним... – деб фарёд қилди етимгина бола.

Фотимахоним уни ҳақиқий оналик билан бағрига босди, кучоқлади. Умрида она шафқатидан маҳрум, она меҳрини кўрмаган бу бола қаршисида у ҳам марҳамат ёшларини тўқди. Ҳусайн икки-уч қадамча наридан бу ҳаяжонли, аччиқ манзарага қараб

қолганди. Ҳайратлар ичида эди. Ҳозир Йилмаз ҳис этганларни у ҳис этиши ёки унга ҳис эттириш мумкин эмасди. Томдан йиқилиб тушганнинг ҳолини фақат томдан йиқилиб тушган билади. Ким билсин, бечора бола “она” дейишни қанчалар орзу қилган, қанча вақтлар, қанча йиллар “болам” деган сўзни эшитмоққа зор бўлган.

Бироздан сўнг Фотимахоним кўз ёшларини артди.

– Сен уйда онангни нима дейсан, “она” демайсанми, ўғлим?

– Йўқ! – Сўнг хўрсиниб қўшиб қўйди: – Ўзи айттирмайди. Бир марта уни “она” дедим. “Нега онанг бўлай, мен туғдимми сени? Бор, анавини “она” дегин”, деб мазор томонни кўрсатди. Мен ҳам шундан кейин уни “она” демадим.

Ҳиқиллай-ҳиқиллай сўзлаган Йилмаз гапириб бўлгач, йиғлаб юборди. Фотимахонимнинг дарди яна ошди.

– Бундан кейин мени “она” дегин, майлими?

Фотимахоним унинг кўзёшларини артди, кучи етганча тасалли берди. Фақат қисқа бир вақтда унинг муштдай қалбида йиллар оша йиғилиб қолган дунёдай дардни кетказиши мумкинми? Доим қон томиб турган жароҳат бир онда қандай тузалади? Ҳар кун вайрон бўлган кўнгил бир зумда қандай тикланади? Бироздан сўнг у ўзи учун зиндон бўлган уйга кетаркан, яна эски ҳолига қайтади. Дунёда Йилмазга очиладиган ёлғиз уй – ота уйи...



Аммо унинг учун энг ёқимсиз уй ҳам шу. У зиндон бўлмай нима? Машаққат макони! Азоб уяси! Не қилмоқ керак? Йилмаз бу уйда, ҳатто тушида бўлсин, лоақал бир-икки соатгина ҳаловат топмоққа рози... Аммо у ерда кўрган тушлари ҳам даҳшатли, терларга фарқ бўлиб уйғонади. Бир муддат зулмат ичра кўзларини катта-катта очиб, шифтга тикилади, мавҳум хатар, номаълум қўрқув аро чап-ўнгга ағдарилади. Яна шу қўрқув остида секин-секин кўзларига уйқу чўқади... Кечаси кундуздан тотсиз, кундузи кечасидан қоронғи бу уйда яшашдан не фойда, яшамасликдан не зарар? Ичидаги ҳаво деворидаги тошлардан қаттиқ бу уйда Йилмаз учун кўриши мушкул бўлган, кўриши мумкин бўлмаган йўқ нарса бор: саодат...

VIII

Содияхоним анчадан бери ўгай ўғли Йилмазда бир қанча ўзгаришларни сеза бошлади. Бир кун либослари тикилган ҳолда келади, бошқа кун Йилмазда англашилмас хушнудлик кўринади. Аслида ундан бирон нарса сўрашга ҳеч қачон журъат қилмаган бу бола ўзидан яна ҳам узоқлашганини сезгандай бўларди. Бунинг сабаби бўлиши керак эди. Уч-тўрт кун аввал йиртиқ шими тикилган, ювилган, дазмоллангани уни ерга ургандай бўлди:

- Бугун қаёқда қолдинг?
- Дарс тайёрладим.
- Кимникида тайёрладинг?
- Ҳусайнларникида.
- Ҳусайн ким?
- Синфдошим.
- Хўш, шимга нима бўлди?
- Онаси тикиб, дазмоллади.
- Нега дазмоллатдинг?
- Ўзи дазмоллайман, деди, бердим.
- Сени шундай талтайтиришди. Дуч келганга ялтоқланасан, шундайми? Қараб тур, кечқурун

отангга аллакимларга шим дазмоллатиб юришингни айтиб, додингни бердирмасамми!? Жа-а, жаноб бўлиб кетдилар. Кўз тегиб юрмасин тагин!

– Нима қилай? Сиз дазмолламайсиз, мени мактабда турткилашади. Таёқ ейман. Бундан хабарингиз борми?

– Вайсабини-чи бунинг!

Содияхоним шундай деб Йилмазнинг устига бостириб кела бошлади, аммо бола чаққонлик билан эшикдан чиқа қочди. Содияхоним эшикдан чиқиши билан Йилмаз қочган томондан келаётган хотинга бақирди:

– Аллоҳни севсангиз, шу бола ни ушланг!

Лекин аёл ёнидан индамай ўтавергач, яна бақирди:

– Аллоҳни севсангиз, дедим, инсон! Шуни ушлаб қолинг!

– Аллоҳни яхши кўрганимдан, Ундан кўрққанимдан тутмадим. Етимни уриш учун гапирган гапингизни қаранг! Унга кўтарган муштингизни нафсингизга урсангиз, аввал ўзингизга уриб кўрсангиз, қандай бўларкин? Агар Аллоҳни билсангиз, бу гўдакка хизматчи бўлардингиз. Болангиз ўзингиздай ўгай она қўлида қолса, нима қиласиз? – деди ва жавоб кутиб турмасдан йўлида давом этди. Бу сўзлар Содияхонимнинг ғазабини баттар кўзғади. Оҳ, кўчалар оралаб бу тирмизакни қувласа, тутиб ўчини олса...

Унинг ортидан кин тўла боқишлар билан чақнаган кўзлар, ғижирлаган тишлар ва ҳирсли, ўзгача тусга кирган юз... бошқа чора йўқлиги учун уйга чекинди. Эшикни ичкаридан беркитаркан, оқшом уйга келарсан, дея минғирлади.

Ким бу Ҳусайн? Аввало буни билиб, бориб, болани талтайтирмасликларини айтиб, огоҳлантириб келиш керак. Йилмаз ким, дазмолли шим кийишни унга ким қўйибди?! Ямоқли кийим етмайдими?

Аслини олганда Содияхоним Йилмазга ёмон муомала қилишини ўзи билади. Мактабдан югуриб келиб, нон сўраган етти ёшли оч гўдакка: “Заққум е! Қани нон, кўрмайпсанми? Бу жанобимга энди бир хизматчи ёллашимиз керак!” демаслик кераклигини ҳам билади. Билади, аммо ўзини тўхтатолмайди, тутиб туролмайди. Йилмазнинг ҳар ҳаракати унинг ғашига тегади. Кўриши билан асабийлашади. Ўз боласи не қилса, ёқади, севинади. Йилмазга келганда тескариси. У “она” дегудай бўлса, худди онасига ўхшаб ўлиб қоладигандай туюлади. Йилмазга нисбатан ҳақсизлик қилишдан бошқа иш қўлидан келмайди. Баъзан “Бу бола ўзи шунга муносиб, йўқса, бошига мендан бошқаси келган бўларди, балки яхшиликка ярамас, яхшилиқ қилсам, янада кеккайиб, ёмонлашиб кетиши мумкин”, дея ўзини овуларди. Баъзан қилган муомаласи ва сўзлаган сўзи ҳаддан ошганини ўзи ҳам тан оларди. Масалан, олти ой олдин бир ҳодиса бўлиб ўтди. Ўша оқшом эри: “Қара, Содия, боланинг чўнтаги йиртилибди, тикиб бер!” деди. “Энди шу етмай турувди, шу қолувди қилмаганим! Ипни игнадан ўтказиб, чатиб ташлаш шунча қийинми бунга? Эртага аскарликка борса, қандай қилади? Ҳозирдан ўргансин...” деб жавоб берди. Ҳолбуки, эртага аскарликка борадиган бола эндигина бошланғич мактабнинг биринчи синфига боришга тайёрланаётганди. Бу сурбетлик қаршида ота нима ҳам қила оларди? Бечора одам бу хотинга гўё азоб чекиш ва боласини эздириш учунгина уйланганди. Бу иккиси рост чиқди. Ҳар оқшом янги-янги шикоятлар... Гўё бу бола тонгдан тунгача ярамаслик қилади ёки етимнинг бутун вазифаси ўгай онасига иш орттиришдан иборат эмиш.

Шу оқшом эшитган шикояти янада бошқачароқ. Йилмаз шими-

ни бошқа аёлга дазмоллатганди. Бу иш уйдаги онага, яъни ўзига катта ҳақорат эди. Агар қилинган мазкур айбнинг жазосини ота бермаса, берадиган топилади. Ота-ўғил бир бўлиб, бечора Содияхонимга хаёлларига келган зулмни ўтказишади. Содияхоним бу ҳаракат ўзига ҳақорат эканини тушунар, бироқ унинг шимини дазмоллаш лозимлигини ақлига сиғдирилмасди.

Фотимахоним беҳуда оғиз оғритадиганлардан эмас эди. Ўзи ҳақидаги ғийбатни берилиб тинглашни хуш кўрмасди. Шунинг учун бу гапни сўнгига қадар сабр билан тинглади. Тингларкан, «Улар билиб, ўзим хабарсиз қолган қусурим бормикан?» дея гапнинг охири кутди. Бандаи ожизмиз – ўзимиз илғамаган қусуримиз бўлиши мумкин. Буни бировнинг огоҳлантиришидан билиб қоламиз. Ўзимиз узрли, ҳатто ҳақ деб биладиганимиз ҳодисада мутлақо ноҳақ эканимиз бошқанинг фикри сабаб юзага чиқиши мумкин. Шунинг учун Фотимахоним бошдан-оёқ ҳақиқатга алоқаси бўлмаган сўзларни тинглаш захматига берилади.

Болаларга муносабатининг сохталик ва ўзгаларга яхши кўриниш билан ҳеч бир алоқаси йўқ. Пайғамбаримиз отасини кўрмаганидан, олти ёшда онадан ҳам етим қолиб, шу олти йилнинг ҳам анча қисмини сут онаси қўлида ўтказганидан хабардор эди. У зот ҳурмати учун етимга оналик қилиш шафоатга сазовор этишини, ҳатто жаннатда Пайғамбарга жуда яқин қўшни бўлишига олиб келишини биларди, шундай умид билан болаларни бағрига олганди.

(Давоми бор.)
Йўлдош ЭШБЕК
таржимаси

Онкологлар огоҳлантиради:

Ўзбек онкологлари халқимиз яхши кўрадиган қуйидаги маҳсулотларни емасликка чақиради. Улар саратон касаллигини келтириб чиқарувчи егуликлардир:

- мураббололар;
- колбасалар, сосискалар;
- шакар.

Энг зарарли маҳсулотлар:

Агар касалликка чалинишни истамасангиз, ушбу маҳсулотлардан воз кечинг:

- ярим тайёр егуликлар (фаст-фудлар);
- чипслар;
- ширинликлар;
- консерваланган маҳсулотлар;
- майонез ва кетчуп;
- картошка фри;
- колбаса ва сосискалар;

- мевали йогуртлар;
- маргарин;
- газланган, рангли ва энергетик ичимликлар.

Овқатланишдаги хатолар:

- ёғ фойизи юқори сут маҳсулотларини истеъмол қилиш;
- витаминлар ва оқсилга бой тухум, бодом, балиқ, товук тўши, ловия кабиларни жуда кам ейиш;
- арпа нони ўрнига оқ (олий навли ун) нонидан ейиш;
- нонушта қилмаслик;
- уй шароитида табиий шарбатлар тайёрлаб ичмаслик;
- иситилган, ярим тайёр овқатларни кўп истеъмол қилиш.



Гаджетларнинг болаларга зарарлари

Биз ота-оналар фарзандларимизга телефондан фойдаланиш маданиятини ўргатишимиз лозим.

Гаджетларнинг зарарлари:

- бу мослама ўзидан радиотўлқинлар чиқаради. Радиотўлқинлар оқибатида нурланган бола танасида ўзгаришлар содир бўлади. Кечаси бесабаб йиғлайди, иштаҳаси йўқолади;
- телефонни букчайган ҳолатда кўриш, букриликини келтириб чиқариши мумкин;
- узлуксиз экранга тикилиш кўзнинг хиралашишига сабаб бўлади;
- қулоқчинлардан фойдаланишда ҳам меъёрни билмаймиз. Баланд овоз қулоқ пардаларини шикастлайди ва бу эшитиш тизимига салбий таъсир қилади;
- телефон кўп уйнаш, ҳаракатнинг камлиги сабаб иштаҳа йўқолади, иммунитет заифлашади.



Яна бир ҳолат. Болаларда диққатни жамлай олмаслик ва асабийлик кўп учрапти. Телефондаги қўрқинчли тасвирлар, жанг ва курашдан иборат ўйинлар руҳиятга салбий таъсир қилади. Бола ўзи билмаган ҳолда ўша оламда яшай бошлайди.

Кўп маълумотлар оғирлик қилиб, атрофни яхши англай олмайди.

Бундай ҳолатларда нима қилиш керак?

Агар болангиз телефонга ўрганиб қолган бўлса, унинг қўлидан гаджетини тортиб олиб, ёмон аҳволга солиб қўйишингиз мумкин. Шундай экан, вақтингизни у билан ўтказинг, телефондан чалғитишга ҳаракат қилинг. Кутилмаган қаттиқ таққ болага ёмон таъсир қилади. Яхшиси, телефондан фойдаланиш вақтини белгилаб қўйинг ва мақсадли фойдаланишни ўргатинг.

Ўғилой ИСМОИЛОВА,
шифокор